

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

Рахимов Даврон Эркинович

**«Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғими
касалликлари этиопатогенези ва уни даволаш».**

Мутахассислик: 5А 640102«Ветеринария жарроҳлиги»

МАГИСТР

**Академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
в.ф.н., доцент**

Ҳ.Б.Ниёзов

САМАРҚАНД – 2012

М У Н Д А Р И Ж А.

КИРИШ.....	3
II. Адабиётлар шархи.....	9
2.1. Бўғимлар йирингли яллиғланишининг таснифи этиопатогенези ва диагностикаси.....	9
III. Асосий қисм.....	30
3.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили.....	30
3.2. Қорамолларда оёқ бўғимлари йирингли яллиғланишлари этиопатогенезининг айрим хусусиятлари.....	32
3.3. Қорамолларда бармоқ бўғими касалликлари даволаш.....	41
3.3.1. Клиник кўрсаткичлар.....	43
3.3.2. Морфо-биокимёвий кўрсаткичлари.....	46
IV. Олинган натижаларнинг таҳлили.....	50
V. Хулосалар.....	64
VI. Ишлаб чиқаришга тавсиялар.....	65
VII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66
VIII. Илова.....	72
IX. Интернет маълумотлари.....	76

КИРИШ

Юртбошимиз И. А. Каримовнинг мазкур асар Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида чоп этилди.

Ушбу асар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1989 – 1992 йиллар давомида сўзлаган 18 та нутқ ва маърузалари, Ўзбекистон мустақиллигига асос булган қонунлар, Президент фармонлари, шунингдек газета мухбирлариги саволларига берган жавоблар ўз аксини топган.

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби 2011 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида “Ўзбекистон” нашриёти томонидан нашр этилди.

Унинг ҳажми – 27.5 б.т (437 бет). Китоб “сўз боши ўрнида” деб номланган кириш сўзи (31 бетдан иборат) билан бошланади. Унинг асосий қисмида Президентимиз Ислам Каримовнинг 1989 йил 24 июндан 1992 йил 4 январга сўзлаган нутқлари, маъруза ва мақолалари, интервьюлари, Юртбошимиз томонидан имзоланган фармон ва қарорлар ўрин олган.

Китобда акс этган манбалар сони 35 та. У фатик ва аналитик материалларга жуда бой бўлиб, ўша даврнинг аянчли ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий манзарасини ҳаққоний ифода этувчи муҳим илмий – тарихий манба ва ҳужжатдир.

Китобда 1989 йил 24 июндан 1992 йил 4 январга қадар бўлган даврга хос барча тарихий ҳужжатлар эмас, балки, энг аввало, халқимизнинг тарихий орзуси – миллий истиқлол мавзусига оид фикр ва қарашлар, халқимиз ва унинг йўлбошчисининг тинимсиз курашлари ўз ифодасини топган.

Асосий мақсад – ўша даврда юз берган барча воқеа-ҳодисаларни хронологик тарзда, изчил кетма-кетликда ёритиш эмас, балки совет давлати ҳали ўз ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этаётган, таҳликали ва инқирозли бир даврда ўз фаолиятини боошлаган Ислам Каримовнинг мустақилликка эришиш масаласини кун тартибига қатъий қўйгани тарихий ҳужжатлар ва фактлар орқали кўрсатиш, айниқса, кечаги

тарихни, ўша давр зулм ва адолатсизликларини ўз кўзи билан кўрмаган ёшларга ҳаққоний етказишдан иборатдир.

Ушбу китоб 20 йил ўтгандан кейин мозийга қайтиб, ўша давр воқеаларини эслаб ёзилган мемуар ёки эсдалик шаклида ёзилган асар эмас. Аксинча, бу китоб ўша шиддатли тарихий воқеалар содир бўлаётган драматик жараёнлар билан бирга туғилган китобдир. Унда озод ва мустақил ҳаёт сари боришда халқимиз қалбида туғилган барча саволларга жавоблар ўз ўрнини топган.

Бу китоб ниҳоятда улкан фактик ва аналитик материалларни ўз ичига олган қомусий асардир. Юқоридагиларни эътиборга олиб айтиш жоизки, ушбу китоб Ўзбекистон мустақиллиги тарихи бўйича энг ишонарли тарихий манбадир.

Мавзунинг долзарблиги. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва таннархини арзонлаштиришга ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш, бош сонини кўпайтириш, озиқалардан самарали фойдаланиш, наслчилик ишларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва илғор технологияларни жорий этиш орқали эришиш мумкин. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов (2003 йил) Олий Мажлиснинг XI-сессиясида сузлаган нутқида ишлаб чиқаришни ўстириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни қишлоқ хўжалик хомашёси билан таъминлашни яхшилаш нақадар муҳим масала эканлигини такидлаб ўтган.

Бу борада давлатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан 23 март 2006 йилда чиқарилган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари туғрисида» 308-қарори чорвачиликни ривожлантиришга яна бир туртки бўлди.

Маълумки, қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг юқумсиз касалликлари акушер гинекологик ва хирургик касалликлар билан биргаликда барча касалликларининг ўртача 94-96 фоизини ташкил этади. Бу касалликлар пайтида иқтисодий зарар маҳсулдорликнинг кескин камайиши, ҳайвонларни

барвақт подадан чиқариш, мажбурий суйиш ва ҳайвонларнинг ўлими ҳисобига кузатилади.

Подани соғломлаштириш ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини оширишда барча юқумсиз касалликларнинг 40 фоизидан кўпроғини ташкил этадиган хирургик касалликларни самарали даволаш, олдини олиш катта аҳамиятга эга. Бу касалликларнинг асосий қисмини оёқларнинг турли касалликлари ташкил этади. (К.И.Шакалов, 1981 й.)

Хирургик касалликлар орасида оёқлар дистал қисми бўғимларнинг касалликлари бурдоқичилик ва сутчилик хўжаликларида кенг тарқалган булиб, бу патологиянинг келиб чиқишига асосан ҳайвонларни сақлаш ва озиклантиришдаги етишмовчиликлар (ҳайвонларни тикис сақлаш, мацион ва тушамаларнинг етишмаслиги, полларнинг нотекислиги ва ифлосланганлиги, туёқларни ўз вақтида тозалаб ва кесиб турмаслик, терининг мацерацияси), рационларнинг оксиллар, углеводлар, витаминлар ва минерал моддалар буйича номутаносиблиги сабаб булади.

А.Я.Батраков (1980) маълумотига кура оёқ касалликлари сутчилик хўжаликларида согин сигирларнинг барча юқумсиз касалликларининг 20 фоизини ташкил этади.

Согин сигирларни бўш куйиб сақлашда молхоналардаги полларнинг носозлиги оқибатида оёқларда жароҳатланишлар, тендинит ва тендавагинит, пододерматит, флегмона, панариция, туёқлар деформацияси, туёқ бўғимларининг йирингли яллиғланиши (артритлар) ва бошка турдаги касалликлар келиб чиқади .

Республикамиз хўжаликларида, айникса қорамолчилик фермер хўжаликларида ҳайвонлар орасида оёқ бўғимларининг йирингли яллиғланишлари кенг тарқалган булиб, хўжаликларга катта иктисодий зарар келтирмоқда. Масалан, сигирларнинг йирингли артритлар билан касалланиши 6 фоизни ташкил этиб, сут маҳсулдорлигининг 50 фоизга, (А.П.Кудрявцев 1983 й.) бурдокига бокилаётган қорамолларда эса бир бош ҳисобига тана вазни ортишининг 20-30 килограммга, уларнинг ўсиш жадаллигининг 28-30 фоизга

камайиши кузатилади. Хўжаликларда йирик шохли ҳайвонларнинг 20 фоиздан кўпроғида бўғимларнинг йирингли характердаги патологияси учрайди ва катта иқтисодий зарар келтиради. Шунга қарамасдан бу патологиянинг тарқалиши, келтириб чиқарувчи омиллар, ривожланиш хусусиятлари, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усуллари тулиғича ўрганилмаган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Йирик шохли ҳайвонларда оёқлар дистал қисми йирингли яллиғланишларининг тарқалиши, иқтисодий зарари, сабаблари, кечиш хусусиятлари ва диагностикасини ўрганиш, даволаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш ишнинг мақсадини ташкил этади.

Шу мақсадда қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилди:

1. Республикамиз фермер хўжаликлари шароитида Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғими йирингли яллиғланишларининг этиопатогенези ва клиник намоён булишидаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

2. Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғимининг йирингли яллиғланишларини даволашда замонавий усуллари қўллашнинг солиштирма самарадорлигини ўрганиш:

3. Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғимининг йирингли яллиғланишларини эртачи аниқлаш, уларнинг регенератив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали даволаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти. Биринчи марта Республикамиз хўжаликлари шароитида Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғимлари йирингли яллиғланишларининг этиопатогенезидаги ўзига хосликлар ўрганилиб, бармоқ бўғимларининг йирингли яллиғланишларига, сақлаш ва озиклантиришдаги етишмовчиликларнинг сабаб булиши аниқланди. Организмга парентерал йуллари билан 0,5 мл/кг. микдорда юборилган аутокон ва неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоконларнинг қорамоллар конининг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсири ўрганилди. Тажрибаларда бу нурлар

билан ишланган, аутоконнинг айникса, неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоконнинг қорамоллар организмига стимулловчи таъсири юкори эканлиги аникланди.

Қорамолларда оёқлар бармоқ бўғимларнинг йирингли яллиғланишларини даволашда неон-гелий лазер нурлари билан фотомодификацияланган аутоконни қўллашнинг ўз ичига олган даволаш мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Шунингдек, биринчи булиб, Республикамизнинг қорамолчилик хўжаликларида Гольштин фриз зотли қорамолларда бу патология оқибатидаги иктисодий зарарни йукотиш омиллари курсатиб берилди.

Илмий тадқиқот ишларининг манбалари ва услублари. Илмий текширишлар ва тажрибалар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ветеринария, зоотехния ва қорақўлчилик факультетининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида Самарқанд вилояти Ургут тумани “ Аъзам Холиқов” фермер хўжалигида , клиникада қабул қилинган касал ҳайвонларда ва Республика шошилинич тез ёрдам маркази Самарқанд филиалининг «Лазер» марказида, вилоят марказий шифохонаси лабораторияларида ўтказилди.

Республикамиз қорамолчилик хўжаликларида йирик шохли ҳайвонлар, шу жумладан, Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғими йирингли яллиғланишларининг кўп учраши бу патологияни даволаш ва олдини олиш тадбирларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Тажриба схемаси

1-жадвал

№	Гуруҳлар	Ҳайвонлар сони	Даволаш муолажалари
1	1- гуруҳ Назорат	10	<p>1. Анъанавий усуллар</p> <p>а) 0,5 фоизли новокаин эритмаси билан оғриксизлантирилди ва жароҳатланган бўғин кесилиб йирингли экссудат чиқариб ташлангач, 1:200 нисбатли фурацилин эритмаси билан ювилди ва бўғин бўшлиғига 2 % ли новокаин эритмаси ва гентамицин антиботиғи юборилди, ярага докадан дренаж ўрнатилиб, ош тузининг гипертоник эритмаси ва фурацилин эритмаси билан намланиб турилди</p> <p>б) вена қон томирига 10%-ли кальций хлорид, 20%-ли глюкоза эритмаси,</p> <p>в) мускул орасига гентамицин ва тривит (А.ДЗ.Е) витамини юборилди.</p>
2	II -гуруҳ Тажриба	10	<p>1. Анъанавий усулларга қўшимча:</p> <p>а) бўғиндаги патологик жараёндан йиринг ажралиши тўхтагандан кейин неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига ва 2 мл хондролон бўғин ичига жами 4 марта инъекция қилинди.</p>

Йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда маҳсулдорликнинг кескин камайиши ва даволаш тадбирлари учун харажатлар ҳисобига хужаликларга катта иқтисодий зарар етказилади. Ҳозирги кунгача йирингли артритларни даволаш усулларининг такомиллашмаганлиги ва иқтисодий ҳамда терапевтик самарадорлигининг пастлиги туфайли, самарадорлиги юқори ва хўжаликларда бажарилиши осон бўлган даволаш усулларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади.

Йирик шохли ҳайвонларда йирингли артритларни этиопетогентик

даволашга дойр илмий-тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти Ургут тумани “Аъзам Холиқов” фермер хўжалигида сутчилик фермасида ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти кафедрасига келган шахсий касал ҳайвонларда олиб борилди.

Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғими йирингли яллиғланишларининг самарали даволаш воситаларини топиш, қўлланилган препаратларнинг организмга таъсирини ва шуларнинг иқтисодий самардорлигини ўрганиш мақсадида соғин сигирларда илмий тадқиқот тажрибалари ўтказилди. Тажрибалар учун ҳар бирида 10 бошдан бармоқ бўғинларининг йирингли артритлари билан касалланган соғин сигирлар бўлган 2 та гуруҳ ташкил этилиб, биринчи - назорат гуруҳдаги соғин сигирлар анъанавий усулда қуйидаги тартибда даволанди: умумий қабул қилинган услубда жарроҳлик муолажаси ўтказиш жойи умумий қабул қилинган усулда тайёрланиб, 0,5 фоизли новокаин эритмаси билан оғриқсизлантирилди ва жароҳатланган бўғин кесилиб йирингли экссудат чиқариб ташлангач, 1:200 нисбатли фурацилин эритмаси билан ювилди ва бўғин бўшлиғига 2 % ли новокаин эритмаси ва гентамицин антибиотиғи юборилди, ярага докадан дренаж ўрнатилиб, ош тузининг гипертоник эритмаси ва фурацилин эритмаси билан намланиб турилди ва вена қон томирига 10%.ли кальций хлорид, 20%-ли глюкоза эритмаси, мускул орасига гентамицин ва тривит (А.Д₃.Е) витамини юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги йирингли артрит билан касалланган сигирлар юқоридаги кўрсатилган тартибда анъанавий усулда даволанди ва анъанавий усулларга қўшимча равишда бўғиндаги патологик жараёндан йиринг ажралиши тўхтагандан кейин неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига ва 2 мл хондролон бўғин ичига жами 4 марта инъекция қилинди.

Иккала гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиклантирилди. Организмга неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқоннинг таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги сигирлар

тажрибаларнинг бошида ва аутоқон юборилгандан кейин 5 – 10 – 15 -20— 25 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфо – биокимёвий кўрсаткичлари бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

Ҳамма босқичдаги тажрибаларимизда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горяев санок тури ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула, қондаги гемоглобин (Сали гемометри ёрдамида), оксил фракциялар Олла – Маккорднинг нефелометрик усули (С.А.Карпюк модификацияси, 1962) ёрдамида аниқланди.

Олинган рақамли маълумотлар Н.В.Садовский (1975)усули билан вариацион статистик ишланди. Бунда ўртача арифметик катталиқ (М), ўртача арифметик хато ($\pm m$), ўзгариш фоизи (%) ва фарқларнинг ишончлилик даражаси (Р) «Электроника БЗ – 34» микро- ЭҲМ ёрдамида ҳисобланди

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация оддий, хатосиз ва тушунарли тилда баён этилган, 4 та расм ва 3 та жадваллар билан бойитилган, диссертация иши 98 бетдан иборат, интернет маълумотлари келтирилган ва тўлиғича магистрлик диссертацияси қўйиладиган талабларга жавоб беради.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.

2.1. Бўғимлар йирингли яллиғланишининг таснифи этиопатогенези ва диагностикаси.

Организмга патоген таъсир этиши ва жароҳатнинг турига кўра травмалар турлича бўлиши мумкин. К.И.Шакалов. (1987); Ю.Ю.Худоклиноваларнинг (1999 й.) маълумотларига кўра, ҳаётий муҳим тўқима ва аъзоларнинг шикастланиши кўп миқдорда қон йўқотиш билан ривожланиб, ўткир ҳолда кечадиган травмалар ҳайвоннинг ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин. Тўқималарнинг кенг кўламдаги ёпиқ шикастланишлари ва туқималарнинг парчаланишидан ҳосил бўлган захарли моддаларнинг қонга жадал сўрилиши натижасида, ҳайвонларнинг травматик зарарланиши вужудга келади. Механик омилларнинг ўта кучли таъсири натижасида ҳосил бўладиган травмалар оқибатида, жигар, ошқозон, ичаклар, сийдик пуфаги ва аъзолари ёрилиб кетиши мумкин, ҳамда шикастланган туқималарга патоген микроорганизмларнинг тушиши натижасида, жароҳат ҳолларда травмаларнинг асорати сифатида абсцесс, флегмоналар, некробактериоз, актиномикоз каби патологик жараёнлар ривожланиши мумкин. Жароҳатланган ҳайвонларда аксарият ҳолларда фалаж ва ярим фалаж, атрофиялар, нерв туқималарининг улиши каби турли хилдаги нерв- трофик бузилишлар вужудга келиб, ҳайвон умумий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Кўпинча, бўғим касалликларининг ривожланишида асосий этиологик омиллар ўтмас жисмларнинг урилиши натижасида келиб чиққан ёпиқ турдаги механик шикастланишлар ҳисобланади .

Бўғимларнинг жароҳатланишлари кечиш даражаси, даволаш жараёнининг мураккаблиги ва оқибатининг турли хилда бўлишига қараб, бир-биридан фарқланади (И.В.Шаболоев,1989).

Бўғимларнинг шикастланишидан кейин уларда посттравматик яллиғланиш жараёни жадал ривожланиб, касалликнинг кечишини сезиларли

даражада оғирлаштиради ва кўп ҳолларда унинг оқибатини белгилаб беради М.А.Тереснинг (1985) фикрига кўра, синовиал бушлиқлар патологиясида асосий ўзгариш яллиғланиш пайтида синовиал суюқликларнинг меъёрда ҳосил бўлишидан фарқ қилиши ҳисобланади.

Йирик ва майда қон томирларнинг жароҳатланиши билан кечадиган бўғимларнинг кучли шикастланишларида яллиғланиш жараёни бўғим капсуласининг ҳамма қаватларида, энг аввало унинг синовиал қобиғида ривожланади.(М.В.Плахотин, 1981, К.И.Шакалов, 1952.)

Яллиғланиш жараёни томирлар гиперемияси, улар ўтказувчанлигининг ортиши билан намоён бўлиб, зардобли ёки зардобли- фибриноз экссудатнинг тўпланишига олиб келади (М.В.Плахотин, 1981). М.С.Борисовнинг (1991) маълумотларига кўра, экссудат таркибида бўғимлар капсуласининг шикастланиши оқибатида нобуд бўлган тўқима хужайраларининг бўлиши билан кечадиган қон томир реакциялари томирлардаги рецепторларнинг кўзғалишига олиб келади. Бундай жараёнлар эса, синовиал қобиғи ва уларнинг сўрғичларида шишлар пайдо бўлишига сабаб бўлади .

Бўғим касалликларини қуйидагича таснифлашда жароҳатланиш, гемартрозлар, дистрофиялар, бўғимларнинг чиқиши, синовитлар (ўткир, сурункали, зардобли, йирингли), параартикуляр флегмоналар, деформацияланувчи артрит, периартикуляр фиброзит, оссификацияланувчи сурункали артрит, анкилоз ва артрозлар.

Аммо, бундай таснифлаш бугунги кунда маълум бўлган бўғим касалликларининг барчасини ҳам ўз ичига олавермайди. К.И.Шакаловнинг (1952) таснифлашича эса бўғим касалликлари этиологияси, патогенези, морфологик ўзгаришлар ва бўғим элементларининг яллиғланиш жараёнларига жалб этилишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Бўғимларнинг ёпиқ шикастланишлар оқибатида келиб чиқадиган ўткир ва сурункали касалликлари - шишлар, гемоартрозлар, пайларнинг чўзилиши, бўғимларнинг чиқиши, синовитлар, пара ва периартикуляр фиброзитлар, периартритлар, контрактуларлар;

2. Бўғимларнинг очик шикастланишлари;
3. Бўғимларнинг йирингли яллиғланишлари;
4. Бўғимларнинг специфик яъни ўткир ва сурункали тарзда кечадиган юқумли ҳамда юқумли-аллергик касалликлари;
5. Бўғимларнинг экссудатив яллиғланишсиз кечадиган сурункали касалликлари;

Бўғимнинг барча анатомик тузилишларини қамраб оладиган йирингли яллиғланишларда патоген микрофлоралар муҳим аҳамият касб этади.

К.И.Шакалов (1987), И.С.Паньколарнинг, (1982), маълумотларига кўра, бўғимларнинг йирингли яллиғланишлари турли сабабларга кўра, масалан, санчилган жароҳатлар, бўғим атрофидаги тўқималарнинг механик шикастланиши, периартикуляр туқималар, синовиал халта шиллиқ пардаси ва пай қинлари орқали йирингли яллиғланиш жараёнларининг бўғим тўқималарига ўтиши, шунингдек плеврит, эндометрит, параартрит каби касалликларда метастатик йул билан ўтиши оқибатида ривожланади. И.С.Паньконинг (1982) такидлашича, касалликнинг патогенези ўзига хос хусусиятларга эга, яъни бўғимларнинг яллиғланишининг босқичларсиз ўтиши бир ватда барча бўғим тўқималарининг шикастланиши билан тавсифланади. Шунинг учун йирингли синовит, капсуляр флегмона ва шу каби касалликларни бир-биридан ажратиш қийин бўлиб, касалликка бўғим тоғайлари ҳамда ёнма-ён жойлашган суяклар таркибининг бузилиши билан ўтадиган остеоартрит ва параартрит деб ташхис қўйилади.

Бўғим тўқималари морфологик ўзгаришларининг даражаси ва бўғимлар шикастланишининг клиник белгилари намоён бўлишига қараб йирингли артритларнинг тўрт тури фарқланади:

1. Йирингли синовит;
2. Капсуляр флегмона;
3. Параартикуляр флегмона;
4. Йирингли остеоартрит (К.И.Шакалов ва бошқалар, 1987).

Кўпчилик муаллифларнинг (К.И.Шакалов, 1987;)маълумотлари бўйича,

бўғимларнинг йирингли яллиғланишларида стафилакокклар ва стрептококкларнинг устунлиги билан ҳарактерланувчи аралаш микрофлоралар, шунингдек, ичак таёқчалари, протей ва кук йиринг таёқчалари ажратилади.

Б.А.Семенов (1981) тамонидан артрит билан касалланган 182 бош бўрдоқиланаётган буқалар текшириб курилганда, уларнинг 89 боши бўғимларнинг йирингли яллиғланишлари билан касалланганлиги аниқланган.

М.В.Плахотин (1977) маълумотларига кўра, бўғимларнинг йирингли яллиғланишларида касалликнинг кечиш хусусиятларига қараб ташҳис қўйилади, яъни касалликка хос бўлган маҳаллий симптомларнинг намоён бўлиши (кучли оғрик, оқсоқланиш, бўғимнинг ҳажмига йириклашиши ва шиши, юмшоқ тўқималарнинг таранглашиши, бўғим контурининг ўзгариши) ва умумий интоксикация белгилари ва уларнинг намоён бўлиши даражасига кўра ташҳис қўйилади.

Бўғимларнинг йирингли яллиғланишларида пунктатни бактериологик ва цитологик текшириш натижалари катта аҳамият касб этади. қондаги гемоглобин ва эритроцитлар миқдорининг камайиши, эритроцитлар чўкиши тезлигининг (ЭЧТ) ошиши йирингли асоратлар ривожланаётганидан далолат беради .

Айрим муаллифларнинг келтирган маълумотларига қараганда, бармоларнинг йирингли-некротик жароҳатланишлари тўрли йилларда 5-12 фойиз ҳайвонларда кузатилади .

Бўрдоқчилик хўжаликларида оёқлар дистал қисмининг касалликлари тез-тез қайд этилиб, бу биринчи навбатда ҳайвонларни сақлаш шароитлари билан боғлиқ бўлади. Сутчилик хўжаликларида эса оёқ касалликлари юқумсиз касалликларнинг 20%ни ташкил этади .

Бўғимларнинг анатомо-морфологик тузилиши ва функционал аҳамиятига кўра, бўғим касалликлари функционал нуктаи назаридан жуда катта хавф туғдириши мумкин М.В.Плахотин (1981) ва К.И.Шакаловнинг (1987) таъкидлашича, артритларнинг келиб чиқишида кучли травмалар, айрим ҳолларда эса токсико-аллергик этиологик омиллар бўлиши мумкин.

Ҳайвонларнинг турлари буйича яллиғланиш реакцияларининг ўзига хос томонларини, шу жумладан, йирик шохли ҳайвонларда абсцеслар, флегмона ва бошқа турдаги яллиғланишларда организмнинг реактивлигини ўрганган. Муаллифнинг такидлашича, абсцеслар пайтида яллиғланишларнинг асосий звенолари эксудация, пролиферация ва альтерациядан (туқималарнинг ўлиши) иборат бўлади.

К.И.Шакалов (1987) таъкидлашича йирик шохли ҳайвонларда йирингли инфильтрация ва туқималарининг емирилиш босқичлари отлардагига нисбатан узокрок давом этади. Жароҳатланган бўғим соҳасининг флуктуацияси 14 - суткада кузатилса, отларда эса 3-4 - суткада қайд этилади. қорамолларда абсцесс ўчоқларидаги йирингли экссудат отлардагига нисбатан куюқрок бўлиб, бунда экссудат таркибида лейкоцитлар миқдорининг кўп бўлиши қайд этилади. Шунингдек, йирик шохли ҳайвонларда йирингли абсцесс бўшлиғининг ҳажми ҳам отлардагига нисбатан кичик бўлади.

И.С.Паньконинг (1982) таъкидлашича, йирик шохли ҳайвонларда флегмоналар пайтидаги яллиғланиш реакцияси отлардагига нисбатан кучсизро намаён бўлади. Отлар учун хос бўлган тана хароратининг кутарилиши, қорамолларда кўп ҳолларда кузатилмаслиги ҳам мумкин. қорамолларда тана харорати меъёрлар атрофида (39-39,5°C) бўлиб, жароҳат кесилганда ундан йирингли-фибриноз экссудат ажралади.

Қорамолларда яллиғланиш жараёнлари пайтидаги лейкоцитар реакцияларнинг ҳарактерли ўзига ҳосликларини кузатиш билан шундай хулосага келганки, бу реакциянинг даражасига қараб яллиғланиш жараён кечиши ва организм ҳимоя кучларининг ҳолати тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Организмнинг бўғимлардаги яллиғланиш жараёнига нисбатан реакцияси қатор омилларга, яъни паталогик жараённинг шакли ва тарқалиш даражаси, унинг жойлашиши, бўғимнинг ва унинг анатомик тузилмаларининг ўзига хос хусусиятлари, инфекциянинг тури, верулентлиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Қонни биокимёвий кўрсаткичлари бўйича текширишда лейкоцитоз, нейтрофилия, ЭЧР тезлашиши, диспротеинемиянинг кузатилиши бўғимларнинг йирингли яллиғланишларига хос белгилар ҳисобланади. Одамларда ревматоид артрит пайтида лаборатор текшириш маълумотлари носпецифик бўлиб, ревматоид артритнинг бошланғич босқичларидаёқ ЭЧРнинг тезлашиши, фибриноген, алфа - глобулинлар, қоннинг С - реактив оқсиллари даражасининг ортиши ҳамда гемоглабин миқдорининг камайиши кузатилади.

Ревматоид артритнинг ривожланишида иммун комплексларнинг қондаги циркуляцияси туфайли синовиал парда ва бошқа аъзоларда васкулитнинг ривожланиши ҳарактерли бўлади. Оқибатда нисбатан доимий артрит ва бўғимлар деструкцияси ҳамда кўп ҳолларда бириктирувчи тўқиманинг ўсиши оқибатида томирларнинг жароҳатланишига олиб келади. Антигенлар сифатида бактериал, вирусли ва хатто паразитар характердаги антигенлар бўлиши мумкин. Касаллик кўпинча доимий характердаги яллиғланиш билан кечиб, оёқлардаги барча бўғимлар жароҳатланиши мумкин. Кўпинча паталогик жараён кафт, (билак, тирсак ва билакузук), фалангалараро бўғимларида ривожланади. Жароҳатланган бўғимда тўқималар гипертермияси, оғрик, бўғимнинг шиши кузатилади.

Остеоартроз бўғимларнинг касаллиги бўлиб, бунда дегенератив ўзгаришлар бўғимнинг тоғай моддасида кўзатилади. Остеоартрознинг артритдан фари шундан иборатки, унда яллиғланиш маҳсулоти доимий бўлмайди ва яллиғланиш жараёни яқол кўзга ташланмайди. Этиологиясига кўра бирламчи (идеопатик) ва иккиламчи остеоартрозлар фаркланади. Иккиламчи остеоартрозлар суяк ва бўғимлар дисплазияси, бўғимлар травмаси, эндокрин (гипотиреоз), метаболитик (охраноз) каби этиологик омиллар ва касалликлар оқибатида ривожланади. Бу омилларнинг кузатилмаслиги бирламчи остеоартроздан далолат беради.

Б.А.Семенов (1981) остеоартрознинг иккала тури ҳам деярли бир хил

кўринишда ривожланади. Тоғайнинг бирламчи дегенерацияси бўғимнинг бошқа туқималарнинг ҳам жароҳатланишига сабаб бўлади, субхондрап суякнинг қалинлашиши (остеосклероз), синовиал қобикда гиперемия, ўчоқли яллиғланиш (синовит) ва кейинчалик фиброз ривожланади.

Б.А.Семенов (1981) нинг таъкидлашича, кўпинча остеоартроз бармоқ тизза, кўймич - сон бўғимлари ҳамда қафт бўғимларида ривожланиб, ҳаракатланишда оғриқ, бўғим ҳаракатининг чегараланиши, унинг қалинлашиши ва деформацияси, ташқаридан қаралганда бурситга хос белгилар кузатилади. Остеоартрозда қон ва сийдикда характерли ўзгаришлар кузатилмайди.

В.М.Чепойнинг (1990) таъкидлашича, бўғим атроф туқимасининг касалликлари - пайларнинг яллиғланиши (тендинит ва тендовагинитлар), боғламларининг (десмондит), бу элементларнинг суякларга бирикиш жойининг (энтезопатия), синовиал халтанинг (бурситлар), апоневроз ва фасцияларнинг (апоневрозитлар, фасцитлар) яллиғланишлари бўлиб, яллиғланиш ёки дегенератив характерга эга бўлади, травмалар ёки жароҳатланишга боғлиқ бўлмайди. Бу касалликлар оқибатида бўғимнинг ҳаракати чегараланади ва оғриқли бўлади.

Микрокристалл артритлар - бўғимларда турли хил таркибдаги микрокристалларнинг тўпланиши билан ўтадиган касаллик бўлиб, бир гуруҳ касалликларни ўз ичига олади. Бу касалликларга хос умумий белгилар шундан иборатки, артритлар бир ёки бир неча бўғимларда тўсатдан пайдо бўлади. Кўпинча микрокристалл артритлар уратларнинг кристаллари ҳисобига (подагра) ва кальций пирофосфатлар ҳисобига (пирофосфатли артропатия) ривожланади. Бу кристалларни бўғим туқимаси кўпинча синовиал суюлик таркибида топилиши касалликларнинг диагностикасида асосий меъзон ҳисобланади.

Пирофосфат кальций кристаллари кўпинча тоғайларда тўпланади, уларнинг бўғим бўшлиқларига тушиши унинг яллиғланишига сабаб бўлади. Касаллик моно ёки олигоартрит кўринишида ривожланиб, кўпинча тизза

бўғими жароҳатланади. Кечишига кўра подаграга ўхшаганлиги учун касалликни кўпинча «псевдо подагра» деб ҳам аташади. Пирофосфатли артропатия унчалик кучли булмаган, лекин доимий оғриқ билан остеоартрозга ўхшаш кечганлиги учун «Псевдо остеоартроз» деб ҳам аталади.

Подагра - бўғимларда ва бошқа тўқималарда пуринли асосларни ва сийдик кислоталари метаболизмининг бузилишидан ҳосил бўладиган ўратлар кристалларининг тўпланиб олиши оқибатидир.

Пурин асосли моддалар алмашинувининг бузилишларига бу жараёнларни бошқариб турувчи ферментлар фаоллигининг туғма ёки орттирилган етишмовчиликлари сабаб бўлади. Подагранинг ривожланишида қондаги сийдик кислотаси микдорининг кўпайиши асосий омил ҳисобланади. Бунга пурин асосли моддалар парчаланишининг кўпайиши ёки буйраклар орқали сийдик кислоталарининг экскрециясининг ёмонлашуви сабаб бўлади. Микрокристалларнинг бугин бушлиларига тушиб туриши ўткир яллиғланиш реакциясига сабаб бўлади.

Юқоридаги адабиётлар маълумотларини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, улар бўғим касалликларнинг сабабларини, ривожланиш хусусиятларини, шунингдек бизнинг регионда йирик шохли ҳайвонлар орасида бу патологиянинг кечиш хусусиятларини тўлиқ очиб бермайди.

2.2. Бўғимларнинг йирингли яллиғланишларини даволаш ва олдини олиш тадбирлари. Механик жароҳатланишлар ва бошқа хирургик касалликлар пайтидаги асоратларнинг олдини олишда биринчи профилактик даволашнинг аҳамияти катта.

К.И.Шакаловнинг (1981) таъкидлашича, жароҳатланган ҳайвонга ўз вақтида дастлабки даволаш ёрдами кўрсатилиши лозим. Яъни урилишларда тезлик билан совуқ қўллаш ва босимли боғлам қўйиш орқали гемолимфозэкстروазатларнинг, яллиғланишли эксудатнинг тўпланишини ва оғриқни камайтириб, қон томирлар жароҳатланганда ўон кетишни ўз вақтида тўхтатиш билан ҳайвоннинг ҳаёти сақлаб қолинади, яраларга йоднинг спиртли эритмалари билан ишлов бериш ва стерил боғламлар қўйиш билан яраларга

инфекция тушишининг, флегмона, газли гангрена ва сепсис ривожланишининг олди олинади. Бўғимлар чиқишида суякларни ўз жойига қўйиш ва каттик боғлам қўйиш билан уларнинг асоратларига барҳам берилади.

И.А.Калашникнинг (1988) таъкидлашича ҳайвонларни гуруҳ усулида боқишда дастлабки ривожланиш босқичларида артритлар кам аниқланади. Уларни барвақт аниқлашнинг имкони бўлганда, даволаниши жуда қийин ҳисобланган бўғимлар ва тўқималарда сурункали кечадиган йирингли яллиғланишларнинг олдини олишга имкон туғилар эди, одатда бундай турдаги яллиғланишлар кам даволанади.

Бўғимларнинг йирингли яллиғланишлари жуда қийин даволанади, бўғим структурасининг бутунлигини сақлаб қолиш ва инфекцияни тугатишнинг имконияти бўлсада, бўғим бўшлиғида бириктирувчи тўқималарнинг ўсиши туфайли аъзонинг функциясини тўлиқ тиклаб бўлмайди

М.В.Плахотиннинг (1981) маълумотларига кўра, антибиотикларни ва бошқа препаратларни, шу жумладан /стимулловчи терапия воситаларини қўллаш қайси бир даражада соғайишни таъминласада, бўғимлар функциясининг тўлиқ; тикланишини кафолатламайди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бўғим касалликларида самарали даволаш ва олдини олиш усуллари ўз вақтида жарроҳлик муолажасини ўтказиш, медикаментоз даволаш, антибиотик ва тўқима препаратларини қўллаш, физиотерапия воситаларини қўллаш ва пархез озиклантиришдан иборат бўлиши керак. (К.И.Шакалов, 1987; М.В.Плахотин, 1981);

Кўп ҳолларда оёқлардаги артритлар ва бошқа яллиғланиш жараёнларини даволашда медикаментоз воситалардан кортикостероидлар қўлланилади.

Йирингли синовитларни гидрокартизон препаратидан 0,3-0,4мг/кг дозада бўғим бўшлиғига 3 кунда бир марта, жами 2-3 марта юбориш билан самарали даволашга эришган. Гидрокартизонни юборишдан олдин бўғим бўшлиғи новокаин-антибиотик эритмаси билан яхшилаб ювилади. Муаллиф даволашнинг 10-12 кунларига келиб бўғим функцияларининг тикланишини,

25-ва 30-кунларида синовиал суяклиқ таркибининг маромлашишини таъкидлайди. Бўғимларнинг суяк-тоғай элементларида ва параартикуляр тўқималарда йирингли яллиғланиш жараёнлари оқмалар ҳосил қилиш билан кечади.

Ҳайвонларни узок вақт боғлаб бокқанда, асосан жадал бўрдоқиға боқилганда гиподинамияға олиб келади, оёқлар ҳолатиға ва организм реактивлигиға салбий таъсир этади. Гиподинамия моддалар алмашинувини издан чиқариб, овқат ҳазм бўлишини пасайтиради, асосан минерал моддалар ва витаминларни, ёғ ва мускул тўқималари секин ривожланади, пай ва боғламларнинг мустаҳкамлиги пасаяди, суякда қон айланиши бузилади. Таянч ва ҳаракат аппаратида дистрофик ўзгаришлар ривожланади. Ҳайвон танасининг жадал ўсиши натижасида секин ривожланаётган суяк, пай-боғламлар ошиб бораётган оғирликға мослаша олмайди, оқибатда бўғимларда касалликнинг пайдо бўлишиға сабаб бўлади (Веремей Э. И., 2003; Молоканов В.А. ва бошқалар, 2001; Улимбашев М. Б., 2007; Панько И.С., 2003; Корис А.В. 1990; Попов С. 2000 ;)

Ретроград венография усули ёрдамида ит ва отларнинг бармоқларидаги юмшоқ тўқималарида қон томирларнинг нормада ва патологик жараён кечаётгандаги ҳолати аниқланди.(Нарусбаева М.А. 2006; Стекольников А.А.,и др.,2007; 2009; 2010; Белов М.В., Нарусбаева М.А.,2009)

Нарусбаева М.А.(2009) ўз тажрибаларида ретроградли усул ёрдамида отларда ламинит ва итларда билакузук, бармоқ касалликларини даволашда вена қон томириға дори моддаларини юбориб жуда яхши натижалар олганини таъкидлайди.

Б.С.Семенов (1981) йирингли синовитлар ва капсуляр флегмоналарда протеолитик ферментлар, антигистамин препаратларни қўллашни ва антибиотикларни 10-15 минг ТБ/кг дозада мускул орасиға инъекция қилишни тавсия этади.

Травматин дориси патологик ўчоқдаги тўқималарда регенерация жараёнларини кучайтиради. Бир неча кундан кейин жараён ижобий томонға

ўзгаради. Агар антибиотик антисептик малҳамларни қўлласа регенерация жараёнлари сулашади. Травматин дориси тери ости ёки мускул орасига қилинганда бир хафтада 1-3 марта юборганда ўткир синовит, тендовагинит, бурсит ва сурункали миазитларни яхши даволайди. (<http://www.helvet.ru/animal/horse/first.php>)

2. Хионат дориси вена ичига сустав ичига юборилганда жуда яхши натижа беради. Хионат 4 мл миқдорда артрит билан касалланган хайвонларга хафтага 2 марта юборганда жуда яхши натижа олинди, бунда оксаш камайиб хайвон бемалол оёғига таяна олди. Бўғимларнинг харакатчанлиги яхшиланди. Бўғимлардаги шишлар кайтди. (<http://www.bayeranimalhealth.ru/scripts/pages/ru/library/cattle/arthritis/index.php>)

3. Хайвонларда лакаматор аппаратларини касалликларга диагноз қўйиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Маҳаллий анистизияни қўллаш патологик жараёнларни қаерда жойлашганлигининг имконини беради. Кейинги йилларда радиография усулини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари паст интенсивликка эга бўлган лазер нурларини қўллаш ҳам амалга оширмакда. Бу усуллар ёрдамида патологик жараённинг қаерда жойлашганлиги аниқланади ([http:// sudarrb.com/old/vet/opornodvigat.htm](http://sudarrb.com/old/vet/opornodvigat.htm))

4. Бўғимнинг асептик яхши экссудат характерга қараб серрозли, серроз-фибринозли, фибринозли, клиник кечишига қараб ўткир ва сурункали бўлиши мумкин. Бўғимларнинг асептик яллиғланиши механик урилиш, лат ейиш, чузилиш, чиқиш натижасида пайдо бўлади. Механик шикастланиш қанчалик енгил бўлса, бўғим яллиғланиши ҳам шунчалик енгил кечади. Шикастланиш пайтида бўғимларда жароҳат бўлса, инфекция тушиш натижасида йирингли бўғим касалликлари ривожланади. (<http://webmvc.com/bolezn/livestock/surgeon/arthras.php>)

Бармоқлар қисмидаги йирингли-некротик жараёнларда сульфаниламид препаратларидан фойдаланган ҳолда умумий даволаш усулларини қўллашни лозим топади.

К.И.Шакалов (1987) маълумотларига кўра, йирингли синовитларни

даволашда доривор моддаларни бўғим капсуласининг ичига юбориш жуда яхши самара бериши қайд этилган. Бундан ташқари, протеолитик ферментларни қўллаш натижасида янада яхши самарага эришилганлигини ҳам қайд этиш мумкин.

Бўғим капсуласининг ички мухитини микробиологик жихатдан текширгандан кейин, улардаги йирингли яллиғланишларни даволашда антибиотиклар, қон қўйиш, плазма, оксил гидролизатлари, дезинтоксикацион воситалар, ҳамда новокаинли қамал қилиш усулини қўллаш юқори самара беради (Э.И.Веремей ва бошқалар, 1989).

Ультрабинафша нурлар ҳайвонларнинг организмига турлича таъсир кўрсатиб, турли хил хирургик ва бошқа касалликларда самарали даволаш воситаси сифатида кенг қўлланилади.

Бўғимларнинг йирингли яллиғланишларини даволашда УВЧ-терапия ультрабинафша нурларни, трипсин билан электрофарез ўтказиш усулини қўллаш юқори самара беради (

А.В.Корис (1990) қўйлар туёғининг йирингли-некротик яллиғланишларини даволашда натрий цитратнинг 5% ли эритмаси билан стабиллаштирилган ва ультрабинафша нурлар билан нурлантирилган аутоқонни антибиотиклар билан биргаликда 96 соат ичида, 2 мартаба қўллаш натижасида яхши самараларга эришган.

Бўғимларнинг йирингли яллиғланишларини даволашда ёруғлик нурлари ва электротерапия усулларини қўллаш натижасида яхши терапевтик самарага эришилган .

Тиббиётда ёруғлик нурлари билан даволашда инфрақизил ва ультрабинафша нурлар, электр билан даволашда гальванизация, электрофарез диатермия ва ультратовуш даволаш усуллари қўлланилган. Ветеринарияда эса, бўғим касалликларини даволашда лазер нурларидан фойдаланиш самарали усуллардан бири ҳисобланади (Н.Ш.Давлатов бошқ., 1996 ,1998).

Кейинги йилларда ветеринария амалиётида ҳам физикавий даволаш усулларини қўллаш кенг жорий этилмоқда. Кичик интенсивликдаги лазер

нурларидан фойдаланиш ҳам шулар жумласига киради. Кичик энергияли лазер нурлари ҳайвонлар организмидаги яллиғланишларни даволашда яхши натижа беради. Лазер нурлари билан нурлантирилган аутоқон от ва қорамолларда таянч-ҳаракат аъзоларининг касалликларини даволашда (Ниёзов Ҳ.Б., 2008; Ниёзов Ҳ.Б ва бошқалар, 2008, 1998, 2003, 1998; Ниёзов Ҳ.Б., Д. Каюмов, 2007; Ниёзов Ҳ.Б., Т. Бобомуродов, 2007; Ниёзов Ҳ.Б., А. Хужамшукуров, 2008), кенг қўлланилиб жуда яхши натижалар олинган.

Хўжаликларда 5 йил мобайнида ҳайвонлар орасида кузатилган тананинг турли қисмларининг шикастланишлари қуйидаги кўринишда намоён бўлган: оёқлар травматизми 2187 ҳолда, елиннинг шикастланишлари 1183 ҳолда, қорин бўшлиғидаги жароҳатланишлар-1050, кўкрак қафасида-723 ҳолатда. Рақамлардан кўриниб турибдики, аксарият ҳолларда оёқлар ва аксинча, жуда кам ҳолларда кўкрак қафаси шикастланган бўлиб, оёқларда травматизмларнинг кузатилишига полларнинг жуда қаттиқ, нотекис, ўта қия, ҳайвонлар турига мос келмайдиган панжаралардан иборат бўлиши ҳисобланади. Шунинг учун молхоналарда полини жуда майда қум аралашган бетондан тайёрлашни тавсия этади. Англияда оёқ касалликларининг олдини олиш мақсадида, ҳайвонларнинг сирпаниб шикастланишини камайтириш учун юзаси нотекис бетон поллар тайёрланади

И.С.Панько (1982), маълумотига кўра панжарали поллар анча мустаҳкам бўлиб, механик ва ювиб тозалашга қулай ҳамда дезинфекцияловчи воситаларнинг таъсирига чидамли бўлади.

Ҳайвонларни бир жойда боғлаб боқишда кўпинча туёқларнинг травмалари кўпроқ учрайди. Ҳаракатнинг чегараланиши, туёқ шохининг ўсиб кетиши оқибатида пайларнинг чўзилиши, туёқ шохининг синиши каби оёқларнинг касалликлари келиб чиқади.

Мационнинг етишмаслиги ва соғин сигирларнинг туёқларини ўз вақтида кесиб турмаслик оқибатида уларнинг сут маҳсулдорлиги 10 % га, Х.Б.Ниёзов ва Н.Ш.Давлатов (1996) маълумотига кўра эса 5% га камаяди. Бўрдоқиланаётган ҳайвонлар тана вазнининг ортиши бир бош ҳайвон ҳисобига

20-30 кг га камаяди. Туёқларнинг хаддан ташқари ўсиши туфайли келиб чиқадиган касалликларни олдини олиш учун туёқларни ҳар 3-4 ойда бир марта кесиб ва тозалаб туриш лозим .

Ҳайвонларни яйловга чиқаришдан олдин ва қайтарилиши билан албатта уларнинг туёқларини кўздан кечириб, калтартириб кесиш лозим.

Ҳайвонларни боғлаб боқишда травмаларнинг частотаси ва жойлашиши қуйидагича бўлган: оёқларнинг жароҳатланиши 43% ҳолларда, елиннинг жароҳатланиши - 25%, қорин соҳаси - 20%, кўкрак қафасининг жароҳатланиши 12% ҳолларда. Йирик шохли ҳайвонлар яйловда боқилганда жами жароҳатланишларнинг 64,2 % яралар, 19,4% урилишлар, пайларининг чўзилишлари 12,9% ни; 1,3% ни суякларнинг синиши, ёпик жароҳатланишлар 2,2% ни (6,5% гача) ташкил этган.

Муаллифнинг маълумотларига кўра, ҳайвонларни яйловларда боқишда қорин соҳасининг жароҳатланиши 37,3%, кукрак қафаси - 29,1%, оёқлар - 13,5%, бош ва бўйин соҳаси - 14,8%, елиннинг жароҳатланишлари 3,4% ҳолларда кузатилган. Бунга асосан ҳайвонларни гурухлаш, яйловларга ҳайдаш пайтидаги травмалар ва яйловларни етарлича тайёрламаслик сабаб бўлади.

Ҳайвонлар оёқларининг жароҳатланишлари билан жароҳат касаланишига бўғоз она ҳайвонларни етарли даражада озиклантирмаслик ва тугилган ҳайвонлар организми резистентлигининг паст булиши, этиологик омилларнинг ноқулай таъсири ҳайвонларни сақлашда полларнинг нотекис, бузилган бўлиши, молхоналардаги ҳароратнинг пастлиги ва ҳайвонларни тез-тез гурухлаб туриш кўпинча сабаб булади.

Кўпчилик бўрдоқчилик хужаликларида ҳайвонлар рационда силос ва жомнинг ортиқчалиги ҳамда протеин, витаминлар ва фосфорнинг етишмовчилиги кузатилади. Қанд-оксил нисбатларининг паст бўлиши минерал моддалар (кальций, фосфор) алмашинувларининг издан чиқиши, остеодистрофияга сабаб бўлади ва оқибатда суякларнинг юмшаб қолиши, улар чидамлигининг пасайишига олиб келади .

Республикамызда ҳайвонларда учрайдиган минерал моддалар

алмашинуви бўзилишларини профилактика қилиш учун бентонит препаратини қўллашни кўпчилик олимлар тавсия этадилар (Н.Ш.Давлатов ва б., 1992).

Травмадан кейинроқ организмда сув-электролит алмашинуви издан чиқади. Бу вақтда тўқималар томонидан кислородни ўзлаштирилиши тезлашади. Кичик травмалар пайтида организмда 200-500 грамм ёғлар парчаланаяди ва 1800-4500 калория энергия, бу вақтда оксиллар ҳам парчаланаяди 20 грамм азот ажраляди, суткасига атига 500 калория энергия ҳосил бўляди. Катта ҳажмдаги травмалар ва септик ҳолатларда касал ҳайвон томонидан кислородни ўзлаштирилиши тезлашади . Жинсий рефлекслар оқибатида келиб чиқадиган травмаларни олдини олишда электротрейнерлардан фойдаланишни тавсия этади. Бўндан ташқари, кўраларда сақлашда буқачаларни гуруҳлаш пайтида уларнинг ёши ва вазни бир хил бўлишини гуруҳдаги ҳайвонлар, бош сони эса 25-30 тадан ошмаслигини таъминлаш керак

С.Поповнинг (2000) таъкидлашича, сигир ва ғуножинларга фаол мацион берилиши, қон зардобидаяги ишкорий захираи 13,6% ҳажм СО₂га, умумий оксил миқдорини 0,99 г/лга ортишини таъминляди. Тажриба гуруҳидаяги биринчи марта тукқан сигирларда сервис даврини 49 кунга қисқариши, сутнинг ёғлилик даражасининг 16%га ортиши ҳамда оёқ касалликларининг кескин камайиши кузатилган.

Юқори маҳсулдор сигирларни юқори концентрат типидая озиклантириш ва гиподинамия уларда туёқларнинг касалликлари ва моддая алмашинувлари бузилишларига сабаб бўлишини таъкидляди. Сигирларга ҳар куни 5 км атрофида мацион берилиши ва баланслаштириш рационда боқилиши туёқ касалликлари моддая алмашинуви касалликларини кескин камайишини таъминляди.

К.И.Шакалов (1981) ва И.С.Панько ва бошқаларнинг (1982) таъкидлашича, бузоқлар гуруҳидая инфрақизил, ультрабинафша нурларни қўллаш ва аэромонизация травматизмларни олдини олишда самарали профилактик воситалар ҳисоблянаяди.

Травматизмларни олдини олиш масаласини ҳал этиш чорвачиликда

катта имкониятларни ечиб беради ҳамда аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш имконини беради.

Сут ва гўшт маҳсулотларининг исрофгарчилигини олдини олиш кўп жиҳатдан ҳайвонларни парваришлаш, ташиш ва гўштга сўйиш қоидаларига риоя қилишга боғлиқ. Травматизмларни олдини олиш тадбирлари ҳайвонларни ишлатиш, парваришлаш ва транспортда ташиши шароитларини ҳисобга олган ҳолда тўғри ташкил этилгандагина кутилган самарани беради. Профилактик тадбирларни комплекс равишда амалга, ошириш билан травматизмларни олдини олиш мумкин. Адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ветеринарияда кенг миқёсда қўлланилиб келинаётган даволаш профилактик воситалар ва усуллар турли травматизмларни ва оёқ дистал қисми бўғимларининг касалликларини шу жумладан бўғимларнинг йирингли яллиғланишларини даволаш ва олдини олиш тўлигича самара бермайди. Шунинг учун бу муаммоларни ҳал этишнинг юқори самарали усулларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади.

2.3. Неон-гелий лазер ва ультрабинафша нурларнинг биообъектлар билан ўзаро таъсири. Лазер нурларининг кашф этилиши инсоният тараққиётида янгилик бўлади. 1960 йилда биринчи электромагнит нурланишли ёруғлик диапозонирубинли лазер кашф этилди.

Лазерлар - улкан энергия манбаи бўлиб, мураккаб техник ва технологик масалаларни ҳал этиш имкониятини беради. Эндиликда лазерсиз купчилик фундаментал тадқиқотларни ўтказиб бўлмайди. Қисқа вақт давомида лазерлар фаннинг барча соҳаларига тадбиқ этилди.

Лазерлар фаол модданинг турига кўра - қаттиқ танали, газсимон, ярим ўтказгичли ва суюқликсимон; таъсир этиш ҳарактерига кўра узлуксиз ва импульсли; қувватига кўра - юқори ва паст жадалликдаги турларга бўлинади. Шу туфайли лазер офтальмология, гинекология, стоматология лазерлари ва бошқалар кўпчилик беморларга қайтадан ҳаёт бағишлаган

M.Bessis et. al (1965), биринчи бўлиб, кичик частотали лазер нурларининг қон хужайраларига таъсири тўғрисидаги ишларини чоп этди.

О.В.Милованов, (1988), томонидан қайд этилишича оптимал тўлқин узунлигига эга лазер нурлари организмга стимулловчи таъсир этади. 360 дан 1070 нм гача бўлган оптик диапазондан ҳаво ранг (470,480/90 нм) сарғич-қизил (570 ва 580 нм) ва қизил (630,640 нм) ранглар ажратилган. Самаралирок стимулловчи натижага тўлқин узунлиги 632,8нм бўлган неон- гелий лазер нурлари қўлланилганда эришилган. Шунинг учун лазернинг шу тури кенг қўлланилади. Бу турдаги лазер нурларининг таркибидаги қизил нурларнинг организмга ўзига хос таъсир этишига асосланган ҳолда бажарилишининг осонлиги ва ишлатишда чидамлилиги туфайли амалиётда кенг қўлланилади.

Н.Ф.Гамалея ва бошк. (1988) ларнинг маълумотларига кўра, 632,8 нм бўлган тўлқин узунлигига эга неон- гелийлазер нурларининг қонга бўладиган таъсири турлича, бундан ташқари эритроцитлар юқори даражада фотосезувчанликка эга, уларнинг таркибидаги гемоглобин пигментининг эса ёруғликни ютиш хусусияти жуда юқори.

Организмда триллиондан кўп бўлган лейкоцитларга неон-гелийлазер нурларининг таъсирида уларнинг функционал фаоллиги бир неча марта ортади.

Н.Ф.Гамалея ва бошқалар (1988) лазеротерапия ўтказиш билан касал ҳайвонлар қонига бу нурларнинг ижобий таъсир этишини яъни эритроцитлар сонининг гемоглобин миқдорининг кўпайиши ва иммун кўрсаткичларнинг яхшиланишини тажрибаларда кузатишганлар.

Кичик энергияли лазер нурлари қон тизимида химояловчи таъсир кўрсатади, бунда турли хил ионланувчи нурланиш, захарланишлар таъсирида кузатиладиган қондаги бузилишларнинг тикланиши тезлашади.

Қисқа тўлқинли лазер нурлари| эритроцитларни парчаламайди, балки уларнинг резистентлигини оширади, хужайра мембранаси фаоллашиб, унинг юзасининг электрик ва сорбцион хусусиятлари ўзгаради (Н.Ф.Гамалея ва б., 1988).

Неон-гелий лазер нурларининг дозаси 4,3 Дж/см га етганда эритроцитларнинг гемолизи кучаяди .

И.М.Бойбеков ва бошқаларнинг (1991) таъкидлашича, неон-гелий лазер нурлари билан нурлантирилганда қондаги эритроцитларнинг чидамлилиги ва уларнинг катализловчи индекси ортади.

Лазер нурлари хужайраларнинг бўлинишини стимуллайди, уларнинг бу хусусияти организм учун регенерация жараёнлари яъни ўлган тўқималар ўрнига ёш хужайраларнинг ўсишида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, суяк, бириктирувчи, эпителиал, нерв ва мускул туқималарининг регенерацияси тезлашади. Теридаги трансплантатларнинг яшовчанлиги ортади. Қизил спектрнинг кичик энергияли нурлари қон айланиши ва қон ҳосил бўлишини стимуллайди. Бу нарса қон томирлар ўтказувчанлигининг ортиши, капилляр қон айланишининг яхшиланиши билан намоён бўлади. Периферик қонда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилиб, эритроцитлар, лейкоцитлар сони кўпаяди, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧР) ортади.

Оптималь интенсивликдаги лазер нурларининг муҳим таъсирларидан бири иммун тизимни стимуллашидир. Бунда лимфоцитлар ва лейкоцитларнинг бўлиниши ва функционал фаоллиги ортади, қондаги оксиллар миқдори кўпаяди.

Кичик жадалликка эга бўлган лазер нурлари яққол намоён бўладиган биологик фаолликка эга бўлиб, оғриқ қолдирувчи, қон томирларни кенгайтирувчи ва яллиғланишга қарши таъсир этади.

Н.Ф.Гамолеянинг (1988) хулоса қилишича, кичик энергияли лазер нурларининг биологик самараси ҳайвонларда кузатиладиган ёруғликка табиий мослашиши жараёнлари билан боғлиқдир. Қизил спектрнинг қизил соҳасидаги кичик энергияли лазер нурларининг биологик таъсирини ўрганиш жараёнида шу нарса аниқланганки, уларни маҳаллий қўллашда ҳам бутун организмга, айниқса қон тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Н.Ф.Гамолея ва бошқаларнинг (1988) маълум қилишларича лазер нурларини бевосита қон томирларига таъсир эттириш орқали қонга ижобий таъсирини ошириш мумкин, бунда қоннинг ҳамма қисмини нурлантиришга имконият туғилади.

Неон-гелий лазер қизил нури қулоқ, бурун ва томоқнинг сурункали

касалликларида яхши самара билан ишлатилмоқда. Бу нурдан биринчи марта ангина ва сурункали танзилитни даволаш қўлланилган. Шунингдек, юқори жағ бўшлиқларининг касалликларини даволашда ҳам яхши самара беради. Бунда даволаш муддатини 5-6 кунгача қискартиришга эришилган.

Кичик энергияли лазер нурлари ортопедия ва травматологияда ҳам кенг қўлланилади. Ревматоид артритларни даволашда яхши натижаларга эришилган (Н.Ф.Гамалея ва б., 1988). Бу нурлар қўлланилганда оғриқ камаяди, бўғимларнинг функциялари яхшиланиб, об - ҳавонинг ўзгаришлари ва бошқа ноқулай омилларга нисбатан сезувчанлиги камаяди.

Тиббиётда лазер нурларининг қўлланиши одатий тус олган бўлсада, ветеринария амалиётида бу нурлардан айрим ҳоллардагина фойдаланилади (И.С.Панько, 1987).

Кейинги йилларда ветеринария амалиётида ҳам физикавий даволаш усуллари кўллаш кенг жорий этилмоқда. Кичик интенсивликдаги лазер нурларидан фойдаланиш ҳам шулар жумласига киради. Кичик энергияли лазер нурлари ҳайвонлар организмидаги яллиғланишларни даволаш яхши натижа беради. Лазер нурларининг отларда таянч-ҳаракат аъзоларининг касалликларини даволашда, бузоқлар диспепсисиди, сигирларда эндометритни даволашда, чўчқаларда гинекологик касалликларни даволаш ва олди олишда қўллаш яхши самара берганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Чўчқаларда артритларни даволашда кичик энергияли лазер нурларини қўллаш юқори самарадорликка эга бўлиб, оғриқни камайтириш ва бўғимлар функциясининг яхшиланишига эришиш мумкин.

В.И.Издепский ва М.В.Рубленколар (1989, 1990) лазер нурлари билан ишланган аутоқоннинг қуёнлар ва чўчқалар организмига парентерал йўллар билан юборишнинг биологик таъсирини ўрганган ва шунингдек, чўчқаларда йирингли артритларни даволашда қўллаб яхши натижаларга эришганлар.

К.И.Шакаловнинг (1967) таъкидлашича қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бўғим касалликларини даволашда уз вақтида жарроҳлик муолажасини ўтказиш, медикаментоз даволаш, антибиотиклар ва тўқима

препаратларини қўллаш, физиотерапия ҳамда пархез озиклантириш билан самарали даволаш мумкин.

И.А.Калашникнинг (1988) таъкидлашича ҳайвонларни гуруҳ, усулида сақлашда артритларни дастлабки боскичларида аниқлашнинг имкони бўлмайди. Шунинг учун ўз вақтида хирургик тадбирларни ўтказиб туриш бўғимларнинг қийин даволанадиган касалликларини олдини олиш ҳамда ўз вақтида даволаш имконини беради.

Кейинги йилларда артритларни ва оёқлардаги бошқа яллиғланиш жараёнларининг диагностика қилиш ва медикаментоз даволашда кортикостероидлар кенг қўлланилмоқда, лекин бўғимларнинг асептик, сурункали яллиғланишларида глюкокортикоидлар кам самара беради, шунинг учун сурункали артритларда медикаментоз воситалардан протеолитик ферментлар ва антигистаминларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади (К.И.Шакалов, 1981; М.В.Плахотин, 1981; И.А.Калашник, 1988)

III. АСОСИЙ ҚИСМ

3.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва тахлили

Илмий текширишлар ва тажрибалар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультетининг «Хайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида Самарқанд вилояти Ургут тумани “ Аъзам Холиқов” фермер хўжалигида , клиникада қабул қилинган касал хайвонларда ва Республика шошилиқ тез ёрдам маркази Самарқанд филиалининг «Лазер» марказида, вилоят марказий шифохонаси лабораторияларида ўтказилди.

Республикамиз қорамолчилик хўжаликларида йирик шохли хайвонлар, шу жумладан, Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғими йирингли яллиғланишларининг кўп учраши бу патологияни даволаш ва олдини олиш тадбирларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Йирингли артрит билан касалланган хайвонларда маҳсулдорликнинг кескин камайиши ва даволаш тадбирлари учун харажатлар ҳисобига хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказилади. Ҳозирги кунгача йирингли артритларни даволаш усулларининг такомиллашмаганлиги ва иқтисодий ҳамда терапевтик самарадорлигининг пастлиги туфайли, самарадорлиги юқори ва хўжаликларда бажарилиши осон бўлган даволаш усулларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади.

Йирик шохли хайвонларда йирингли артритларни этиопетогентик

даволашга дойр илмий-тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти Ургут тумани “Аъзам Холиқов” фермер хўжалигида сутчилик фермасида ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти кафедрасига келган шахсий касал ҳайвонларда олиб борилди.

Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғими йирингли яллиғланишларининг самарали даволаш воситаларини топиш, қўлланилган препаратларнинг организмга таъсирини ва шуларнинг иқтисодий самардорлигини ўрганиш мақсадида соғин сигирларда илмий тадқиқот тажрибалари ўтказилди. Тажрибалар учун ҳар бирида 10 бошдан бармоқ бўғинларининг йирингли артритлари билан касалланган соғин сигирлар бўлган 2 та гуруҳ ташкил этилиб, биринчи - назорат гуруҳдаги соғин сигирлар анъанавий усулда қуйидаги тартибда даволанди: умумий қабул қилинган услубда жарроҳлик муолажаси ўтказиш жойи умумий қабул қилинган усулда тайёрланиб, 0,5 фоизли новокаин эритмаси билан оғриқсизлантирилди ва жароҳатланган бўғин кесилиб йирингли экссудат чиқариб ташлангач, 1:200 нисбатли фурацилин эритмаси билан ювилди ва бўғин бўшлиғига 2 % ли новокаин эритмаси ва гентамицин антибиотиғи юборилди, ярага докадан дренаж ўрнатилиб, ош тузининг гипертоник эритмаси ва фурацилин эритмаси билан намланиб турилди ва вена қон томирига 10%.ли кальций хлорид, 20%-ли глюкоза эритмаси, мускул орасига гентамицин ва тривит (А.Д₃.Е) витамини юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги йирингли артрит билан касалланган сигирлар юқоридаги кўрсатилган тартибда анъанавий усулда даволанди ва анъанавий усулларга қўшимча равишда бўғиндаги патологик жараёндан йиринг ажралиши тўхтагандан кейин неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига ва 2 мл хондролон бўғин ичига жами 4 марта инъекция қилинди.

Иккала гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқоннинг таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги сигирлар

тажрибаларнинг бошида ва аутоқон юборилгандан кейин 5 – 10 – 15 -20— 25 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфо – биокимёвий кўрсаткичлари бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

Ҳамма босқичдаги тажрибаларимизда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горяев санок тури ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула, қондаги гемоглобин (Сали гемометри ёрдамида), оксил фракциялар Олла – Маккорднинг нефелометрик усули (С.А.Карпюк модификацияси, 1962) ёрдамида аниқланди.

Олинган рақамли маълумотлар Н.В.Садовский (1975)усули билан вариацион статистик ишланди. Бунда ўртача арифметик катталиқ (М), ўртача арифметик хато ($\pm m$), ўзгариш фоизи (%) ва фарқларнинг ишончлилик даражаси (Р) «Электроника БЗ – 34» микро- ЭХМ ёрдамида ҳисобланди

3.2. Қорамолларда оёқ бўғимлари йирингли яллиғланишлари этиопатогенезининг айрим хусусиятлари

Қорамолларда оёқ бўғинлари йирингли яллиғланишларини келтириб чиқарувчи омиллар ва уларни кечишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш борасидаги тажрибалар Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги “Келажак” фермер хўжалигида, туман бозоридаги молларни сўйиш масканида, бўғим касалликларини учраш даражасига оид илмий тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти, Тайлоқ, Иштихон, Пастдарғом туманлари фермер хўжаликларида ва Бухоро вилоятининг Жондор ва Вобкент туманларида ўтказилди.

“Келажак” чорвачилиқ фермер хўжалигида 114 та ҳайвонлар текширилганда уларнинг 14 бошида (12,3 %) турли йирингли бўғим касалликлари борлиги аниқланди .

Касалланган ҳайвонларнинг кўпчилигида патологик жараён асосан оёқнинг дистал қисмида туёқ, тушоқ, билагузук ва товон бўғинида йирингли синовит, йирингли артрит ва бўғин флегмонаси шаклида кечаётганлиги намоён бўлди. Бунда 10 та ҳайвонда йирингли синовит ва бу умумий бўғин

патологиясининг 71,4 % ни, 2 бош ҳайвонда (14,3 %) ҳайвонда йирингли артрит ва йирингли флегмона билан касалланган 2 бош (14,3 %) ҳайвон аниқланди.

Тайлоқ туманидаги “Жума бозор” хўжалигидан 196 бош ҳайвон клиник текширилганда уларнинг 6 бошида (3 %) бўғиннинг йирингли жараёнлари кечаётганлиги ва ундан 4 бош (66,7 %) ҳайвонда йирингли синовит, 1 бошида (16,6 %) йирингли артрит ва 1 бошида бўғин флегмонаси мавжудлиги қайд этилди. “Парвина” хўжалигидан 116 ҳайвон текширилганда, ундан 3 бош (2,6 %) ҳайвонда бўғиннинг йирингли яллиғланиши кузатилиб, бунда 2 бош (66,7 %) ҳайвонда йирингли синовит ва 1 бош (33,3 %) ҳайвонда эса йирингли артрит аниқланди. Шунга ўхшаш текширишлар Иштихон тумани “Меҳнат роҳат” МХОП да 120 та бўрдоқига боқиладиган буқачаларда 2 бош (3,6 %) йирингли артрит жараёни кечаётганлиги кузатилди.

Пастдарғом тумани “Жўра” чорвачилик фермер хўжалигидан 96 бош ҳайвон клиник текширилганда уларнинг 10 бошида (10,4 %) бўғиннинг йирингли яллиғланиши кечаётганлиги ва ундан 7 бош (70 %) ҳайвонда йирингли синовит, 2 бош (20 %) ҳайвонда йирингли артрит ва 1 бош (10 %) ҳайвонда бўғин флегмонаси мавжудлиги қайд этилди. “Гўзал” фермер хўжалигидан 30 бош ҳайвондан 3 бош (10 %) ҳайвонда, “Файзулло” фермер хўжалигидан 30 бош ҳайвондан 2 бош (6,6 %), ва “Азизжон” фермер хўжалигидан 28 бош ҳайвондан 1 бош (3,6 %) ҳайвонда йирингли синовит жараёнлари кечаётганлиги аниқланди. “Жўра бобо” фермер хўжалигидан 26 бош ҳайвон текширилганда 2 бош (7,7 %) ҳайвоннинг бир бошида йирингли синовит ва яна бир бошида эса йирингли артрит қайд этилган бўлса, “Боли бобо” хўжалигидан 24 бош ҳайвон текширилганда эса улар бўғинларида йирингли жараёнлар кузатилмади.

Худди шундай клиник текширишлар Бухоро вилояти Жондор туманидаги “Одил-шер” чорвачилик фермер хўжалигидан 67 бош ҳайвонда ўтказилганда 3 бош (4,5 %) ҳайвондан 2 бошида (66,7 %) йирингли синовит ва 1 бош (33,3 %) ҳайвонда эса йирингли артрит жараёни мавжудлиги кузатилган бўлса, “Шоҳжаҳон шохон барака” хўжалигида 42 ҳайвоннинг 3 бошида (7,1 %)

йирингли синовит қайд этилди. Вобкент туманидаги “Нуралибек” чорвачилик фермер хўжалигидан 48 бош ҳайвон клиник текширилганда 3 бош (6,2 %) ҳайвоннинг бўғинларида йирингли яллиғланишлар кечаётганлиги кузатилиб, бунда 2 бош (66,7 %) ҳайвонда йирингли синовит ва 1 бош (33,3 %) ҳайвонда йирингли артрит жараёни кечаётганлиги аниқланди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда, жами 937 бош ҳайвондан 52 бош (5,5 %) ҳайвонда оёқ бўғинларининг йирингли яллиғланишлари қайд қилинди ва шундан 37 бош ҳайвонда йирингли синовит ва бу умумий бўғин патологиясининг 71,1 % ни, йирингли артрит 11 бош (21, 2 %) ҳайвонда ва 4 бош (7,7 %) ҳайвонда эса бўғин флегмонаси кечаётганлиги аниқланди.

Текширишлар натижасидан маълум бўлдики, оёқ бўғинлари йирингли яллиғланишлари асосан кўпроқ оёқнинг дистал бўғинларида учраб, унинг кечиши жароҳат турига ва микроорганизмларнинг вирулентлигига боғлиқ, яъни жароҳат оқибатида қанча кўп бўғин элементлари шикастланса ва улар микроблар билан ифлосланса, патологик жараён шунчалик оғир кечади ва асоратли бўлади.

Илмий текшириш ишлари хўжаликлардаги жами 937 бош ҳайвонларда амалга оширилди, бунда 52 бош (5,5%) ҳайвонда бўғиннинг турли йирингли жараёнлари кечаётганлиги кузатилди.

Хўжаликдаги ҳайвонларни клиник текшириш жараёнида уларда оёқнинг йирингли яллиғланишларининг келтириб чиқарувчи омиллар ҳам ўрганилди.бунда ҳайвонларни сақлаш ва озиклантириш жараёнлари таҳлил қилинди.

Хўжаликларда ҳайвонлар асосан боғлаб боқилади. Молхоналардаги микроклимат қониқарсиз ҳолатда, гўнг тозалаш ва озуқа тарқатиш кўлда, суғориш сув охирлари ёрдамида бажарилади. Қиш ва баҳор ойларида молхонадаги намлик ҳаддан ташқари юқорилиги оёқларнинг дистал қисмида терининг мацерациясига ва туёқлар девори намлигини ортишига сабаб бўлиб, жароҳатланиши оқибатида бўғим атрофида йирингли жараёнларнинг

ривожланишига олиб келади. Кўпчилик хўжаликларда яйратиш майдончалари йўқ, бўлсада жуда тор бўлиб, гўнгдан ўз вақтида тозаланмайди. Ҳайвонлар учун асосан қиш ва баҳор ойларида мацион етишмайди, улар сақланадиган жойларда полларнинг нотекислиги, ҳаракатнинг чегараланганлиги ва намликнинг юқори эканлиги, туёқларнинг нотўғри ўсиши, ёрилиши ва оёқлар дистал қисмлари бўғинларининг турли хилдаги жароҳатланиши оқибатида йирингли характердаги яллиғланиш-ларнинг ривожланишига сабаб бўлган.

Ҳайвонлар қабул қиладиган озиқа рационлари текширилганида аксарият хўжаликларда клетчатка микдорининг меъёрлардан ортиқчалиги, мавжуд клетчатканинг 57 % пахта шелухаси ҳисобига тўғри келади. Пахта шелухаси ва шроти таркибидаги госсипол полифенолининг рациондаги эркин госсипол микдори 0,045 % ни ташкил этади.

Республикамиз шароитида қорамол ва қўйларни бўрдоқига боқишда ва бошқа ҳайвонлар омихта емининг таркибига қўшиш учун ёғ-экстракт заводларнинг чиқиндиси шрот, шелуха, стандарт бўлмаган чигит сингари маҳсулотлардан кенг фойдаланилади. Бу озуқалар оқсилга бой ва тўйимлилиги жиҳатидан сифатлидир. Маълумки узоқ ва узлуксиз давом этган (1969, 2008 йиллар) изғиринли қаттиқ қиш мавсумида дағал озуқалар етарли бўлмаганлигидан қорамол ва қўйлар бир неча ой мобайнида шрот ва шелуха билан озиқлантирилади, бунда ҳайвонлар организмда токсико-аллергик ҳолатлар кузатилиб, улар бўғинларида яллиғланиш жараёнлари ривожланганлиги қайд қилинган.

Хўжаликлардаги ҳайвонни бўғимларининг йирингли яллиғланиш-ларини этиологиясини ўрганиш натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, бўғинларда учрайдиган дегенератив альтератив, экссудатив ва пролифератив жараёнлар ривожланишига ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омиллар сабаб бўлади. Яллиғланишнинг авж олиши уни келтириб чиқарган сабабнинг табиатигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки организмнинг ҳолатига ҳам боғлиқдир. Чунончи, организм заифлашиб қолганида баъзи физиологик таъсуротлар, организмнинг экскретлари ҳам яллиғланишга сабаб бўлиши

мумкин. Йирингли бўғим яллиғланишининг яна бир асосий сабабларидан бири бактериялар, стафилококклар, стрептококклар, ичак таёқчаси ва замбуруғлар турли хилдаги жароҳатланишлар оқибатида организмга тушиб, мослашиб, кўпайиб, патологик жараёнларни ривожлан-тиради.

Клиник –физиологик курсаткичлар.

Қорамолларда оёқ бўғинларининг жароҳатланиш даражасини ва уларнинг характерини ўрганиш мақсадида ҳайвонлар клиник текширишлардан ўтказилиб 52 бош ҳайвон оёқларининг дистал қисмида турли характердаги йирингли жараёнлар (йирингли синовит, йирингли артрит ва бўғин флегмонаси) аниқланди. Шундан 10 бош ҳайвонда тушоқ бўғинининг йирингли синовити, 4 бош ҳайвонда туёқ бўғини флегмонаси, 11 бош ҳайвонда туёқ ва юмалоқ бўғини йирингли артрит, 13 бош ҳайвонда билагузук бўғини йирингли синовити ва 14 бош ҳайвонда эса товон бўғинида йирингли синовит жараёнлар кечаётганлиги аниқланди .

Йирингли синовит билан касалланган ҳайвонларда бўғинларнинг циркуляр шишганлиги, жароҳатдан йиринг ажралиши, капсулаларнинг қалинлашган-лиги ва маҳаллий ҳароратнинг ошганлиги яққол намоён бўлди.

Бўғимлар пальпация ва пассив ҳаракат қилинганда тезда ҳимоя ва оғриқ реоқцияси пайдо бўлади. Ҳайвонлар тинч турганда шикастланган бўғинларни ярим буккан ҳолатда сақлайди, бунда бўғин хажми кенгайиб, босим ва оғриқ пасаяди. Ҳаракатланганда оқсашнинг таянч шакли намоён бўлиб, бўғинда тўпланган йиринг ташқарига оқиб чиқа бошдайти. касал ҳайвонларнинг умумий ҳолати ёмонлашиб, тана хароратининг ошганлиги кузатилди.

Туёқ бўғинининг йирингли яллиғланиши билан касалланган ҳайвонларда холсизланиш ва тана хароратининг 1-2⁰ С га кўтарилиши қайд қилинди. Ҳайвонлар ҳаракатланганда оқсаш, бир жойда турганда эса жароҳатланган оёқларини кўтариб туриши ёки туёқнинг илгич қисмига енгил босиши кузатилди.

Жароҳатланган бўғинлар текширилганда қуйидагича клиник белгилар намоён бўлди: жароҳатланган бўғинлар симметрик соғ бўғимларга нисбатан

ҳажмига катталашган, уларнинг шакли ўзгарган, пайпаслаганда кучли оғриқ, маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши, бўғин дивертикуласида флюктуация (суюқликнинг чайқалиши) кайд этилди. Бўғинлар пассив ҳаракатлантирилганда кучли оғриқли бўлиб, жароҳатдан фибрин аралаш, йирингли экссудат ажралади.

Текширилган беш бош ҳайвонда тана ҳароратининг 1-2⁰ кўтарилиши кузатилди. Ҳайвонларнинг иштаҳаси пасайган, кўп ётади, жароҳатланган бўғинлар катталашган, шишган ва чегараси ноаниқ. Шу туфайли бўғин дивертикуласини пайпаслаб кўришнинг иложи бўлмади.

Туёқ бўғини флегмонаси яллиғланиши билан тўрт бош ҳайвон касалланганлиги аниқланиб, умумий ҳолсизланиш, иштаҳанинг пасайиши, пальпация қилинганда кучли оғриқ сезиш, умумий тана ҳарорати ва маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши характерли бўлди. Ҳайвонларда кучли оқсаш, туёқ учларига авайлаб босиб ҳаракатланиш кузатилди. Туёқнинг юмшоқ қисми шишган, таранглашган, шиш ёрилганда аввалига суёқ, кейинчалик куюқроқ, сарғимтир кўкиш рангли йирингли экссудат ажралади.

Йирингли артритнинг типик клиник белгилари 7 бош ҳайвонда кузатилди. Бу ҳайвонларда умумий ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши билан биргаликда бўғинларнинг катталашуви, бўғин контурининг ўзгариши, дивертикуланинг таранглашуви ва пассив ҳаракат пайтида ҳам кучли оғриқ сезиш яққол намоён бўлди. Жароҳатланган бўғинлар пальпация қилинганда оғриқ сезиш, флюктуация ва маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши характерли бўлди. Ҳайвон касал оёғини ярим буккан ҳолатда, туёқ учига таяниб туради. Ҳаракатланганда таянч оқсашнинг кучли даражаси намоён бўлиб, бўғинда ҳосил бўлган оқмадан синовиал суёқлик аралаш, сариқ кўкимтир рангдаги йирингли экссудат ажралиши кузатилди.

Паталогоанатомик ўзгаришлар.

Қорамолларда оёқ бўғинларида кечаётган турли йирингли жараёнлар оқибатида бўғин элементларининг паталого-анатомик ўзгаришларини аниқлаш мақсадида бўғинларида йирингли жараён кечаётган 10 бош қорамол сўйилди.

Бўғинларда кечаётган йирингли синовит, йирингли артрит ва флегмонали яллиғланишларда бўғин элементларидаги паталого-анатомик ўзгаришлар қуйидагича бўлиши аниқланди. Йирингли синовитда синовиал қават шишган, синовиал суюқлиги лойқасимон, бўғинни эпифиз ва диафизини қоплаб турувчи тоғай юзаси нотекис ва майда-майда қон қуйилганлиги кузатилди. Синовиал қават сўрғичлари гиперплазия ва гипертрофияга учраганлиги сабабли синовиал қаватнинг айрим жойлари қизил донадор бахмалсимон шаклга кирган. Унинг дорсал ва вентрал томонлари бинафша-кулранг озроқ грануляцион тўқима ўсганлиги кузатилиб, синовиал қават сўрғичлари билан грануляцион тўқима оралиғига йирингли экссудат бирига ёпишган узун сўрғичлар шаклида жойлашган. Капсуляр боғламнинг фиброз қавати шишган бўлиб, периартикуляр клетчаткада эса йирингли яллиғланиш шиши ва инфильтрация ривожланган. Бўғим тоғайлари усти юпка лойқасимон, юзаси нотекис, тоғай тўқимаси стромасида бузилишлар кузатилмаган бўлсада, уларда оқ чизиқли нақшлар ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Йирингли экссудат ҳажми (150-400 мл) қуймоқсимон консистенцияга эга бўлиб, оқ-сарғиш, кулранг-сарғиш, айрим ҳолларда эса кўкиш-сарғиш рангда. Йирингли фибриноз синовитларда йирингда фибрин бўлакчалари борлиги аниқланди, унга қон аралашганда унинг ранги қизғиш-сарик рангда.

Йирингли артрит деб ташхис қўйилган ҳайвонлар бўғимлари текширилганда уларнинг бўғин бўшлиғида сарғиш-кўк рангдаги синовиал суюқлиги аралашган йиринг борлиги, синовиал ва фиброз халта, бойламалар ва тоғайда ҳам ўзгаришлар бўлганлиги кузатилди. Бўғин капсуласи, ёрдамчи бойламалар ва периартикуляр тўқима яллиғланиш туфайли қалинлашган. Синовиал халта юзасидаги сўрғичлар кўчиб тушган бўлиб, унинг юзасида абсцесс ривожланиб, сўрғичлараро оқмалар ҳосил қилган. Бўғин тоғайи усти суюқлиги лойқасимон, тоғайнинг айрим жойлари емирилиб кулранг-кўк ёки оқ-сарғиш рангда кичик некроз ўчоқлари намоён бўлди. Айрим ҳолларда қизил гардиш билан ўралган сарик гемосидедин доғлари борлиги кузатилди. Бир хил

хайвонларда бўғин тоғайи юмшаган, юзаси нотекис ва оқ чизиклар ҳосил бўлган.

Тажрибадаги 4 бош хайвонда флегмоноз жараён кузатилиб, бунда асосан инфекцион жараён бўғин капсуласида жойлашганлиги аниқланди. Субсиновиал қават шишган ва унда йиринг аралаш инфилтрация ривожланган. Яллиғланиш шиши бўғин капсуланинг фиброз қавати ва периартикуляр тўқималарига ҳам тарқалган. Бўғиннинг ички юзаси қуруқлашган ва нотекис бўлиб, синовиал парда ва бўғин бурмасининг қалинлиги ўртача 1,8 см га етади. Бўғин тоғайи юзаси нотекис, оқ чизиклар ва айрим жойларида унинг ялтироқлиги йўқолган бўлиб ва 0,1-0,2 мм некроз ўчоқлари ҳосил бўлган .

Текширишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, йирингли синовитлар асосан кўпроқ механик шикастланиш, жароҳатланиш натижасида ва атроф тўқималарида йирингли жараёнлар асоратидан ҳосил бўлади. Бундан ташқари йирингли яллиғланишларнинг ривожланишида организмнинг ҳимоя хусусияти, заҳарланишлар ҳам таъсир этади.

Организмда макро ва микро элементларнинг етишмовчилиги модда алмашинувларининг бузилиши, аъзо ва тўқималар ривожланишининг ёмонлашиши, иммунобиологик хусусиятнинг пасайиши ҳам оёқларнинг дистал қисми йирингли некротик жараёнларни келиб чиқишида асосий омиллардар бири ҳисобланади.

Оёқ бўғинларида йирингли яллиғланиш жараёни кечаётган хайвонларнинг клиник белгиларига, паталого-анатомик текшириш ва бўғиндан олинган пунктатни текшириш натижаларига асосланиб, бўғиндаги йирингли жараёнларни ривожланишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Яллиғланган синовиал пардада микроорганизмлар таъсирида томирларнинг гиперемияси, шиш, лимфоид ва плазматик тўқималарнинг инфилтрацияси ва қон қуюлиши кузатилади.

Синовиал парда сўрғичлари гиперплазияга ва гипертрофияга учрайди. Бунинг оқибатида синовиал парданинг айрим жойлари қизил донатор ёки

бахмалсимон (бархатистий вид) шаклга киради. Капсуланинг фиброз қавати ва параартикуляр клетчатка шишади.

Бўғин бўшлиғида дегенерацияга учраган тўқималар аралашган йиринг тўпланади. Айрим ҳолларда йиринг таркибида фибрин қотмаси ва кўчиб тушган синовиал парда сўрғичлари ҳам кузатилади. Аста секинлик билан бўғин тоғайида ҳам ўзгаришлар бўлиб, унинг ялтироқлиги йўқола бошлайди, юзаси нотекис бўлади ва айрим жойларида оқ чизиклар (узур) пайдо бўлади.

Экссудат ва тўқималарнинг емирилишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар организмга сўрила бошлайди ва йирингли резорбтив иситмани ривожланишига сабаб бўлиб, тана ҳароратини 1-2⁰ С ошишига, юрак уриши ва нафас олишини тезлашишига, иштаҳанинг пасайишига сабаб бўлади. Бўғинда ҳосил бўлган оқма орқали йиринг ташқи муҳитга оқиб чиқа бошлайди, кейинчалик оқма канали ёпилади. Бўғин бўшлиғига йиринг тўпланиб, оқибатда капсула кенгайиб таранглашади, бўғин бўртмаларида йирингнинг тўпланиши ва бўғин ҳажмининг кенгайиши бўғин ҳаракатини чегаралаб, оғриқ ва оқсашни кучайтиради.

Йирингли артритнинг ҳосил бўлиши ҳам йирингли синовитга ўхшаш бўлиб, бунда капсула ва синовиал пардага кириб борувчи жароҳатлар орқали микроорганизмларни бўғинга кириши ва тоғайнинг шикастланиши билан бошланиб, патологик жараён бўғин капсуласи ва шикастланган тоғайда бир вақтнинг ўзида ривожланади.

Йирингли жараёнлар таъсирида синовиал суюқлик муҳити ўзгаради ва бўғин тоғайи озикланишини бузади, бу эса унинг заҳар ва микроорганизмларга қарши чидамлилигини пасайтиради. Оқибатда бўғин тоғайи толаланишига ва оралик маҳсулотлар таъсирида эриб кетишига олиб келади. Тоғайнинг толаланган ва букилган қаватига микроблар киради ва ўзидан заҳар ажратиб тоғай тўқималарини емиради.

Бўғин тоғайи юзасида тоғай тўқималарининг кўчиб тушиши натижасида некроз ўчоқчалари пайдо бўлади. Тоғай тўқимасининг ўлиши натижасида

улар кўчиб туша бошлайди ва тўқималарнинг кўчиб тушган жойидан микро-организмлар суяк тўқимасига ўтади ва оғир асоратларни келтириб чиқаради.

Бўғин капсуласида флегмоноз жараёнлар асосан йирингли синовит ва артритлар асоратидан келиб чиқиб, йирингли жараён субсиновиал қават ва бўғин капсуласини ўраб олади. Жараён маълум босқичларда ўтиб, бунда бўғин капсуласида катта ва кичик абсцесслар ҳосил бўлади.

Флегмона бошланишида яллиғланиш шиши билан бошланиб, сўнгра хўжайралар инфильтрация босқичига ўтади, бунда шиш жуда оғриқли, иссиқ ва зич консистенцияга эга бўлади. Патологик жараён кейинги босқичда ўтганда ҳайвоннинг аҳволи оғирлашиб, ҳарорати ошади, бу эса тўқималар парчаланиши ва микроорганизмлар ажратган захарли моддаларнинг қонга сўрилганлигидан далолат беради. Патологик ўчоқдаги тўқималар некрозга учрагандан кейин етилган йирингли жараён ёрилади ва тўпланган йиринг ташқи муҳитга чиқади, бунда ҳайвоннинг умумий аҳволи бир оз яхшиланади. Фақатгина патологик ўчоқ ўлган тўқималардан тозаланганидан кейингина грануляция тўқималарнинг ўсиши кузатилади.

Агар ўз вақтида даволаш чора-тадбирлари қўлланилмаса патологик жараён яна ривожланиб, параартикуляр флегмонага айланади.

3.3. Қорамолларда бармоқ бўғими касалликлари даволаш.

Илмий текширишлар ва тажрибалар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультетининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида Самарқанд вилояти Ургут тумани “ Аъзам Холиқов” фермер хўжалигида , клиникада қабул қилинган касал ҳайвонларда ва Республика шошилич тез ёрдам маркази Самарқанд филиалининг «Лазер» марказида, вилоят марказий шифохонаси лабораторияларида ўтказилди.

Республикамик қорамолчилик хўжаликларида йирик шохли ҳайвонлар, шу жумладан, Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғими йирингли

яллиғланишларининг кўп учраши бу патологияни даволаш ва олдини олиш тадбирларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда маҳсулдорликнинг кескин камайиши ва даволаш тадбирлари учун харажатлар ҳисобига хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказилади. Ҳозирги кунгача йирингли артритларни даволаш усулларининг такомиллашмаганлиги ва иқтисодий ҳамда терапевтик самарадорлигининг пастлиги туфайли, самарадорлиги юқори ва хўжаликларда бажарилиши осон бўлган даволаш усулларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади.

Йирик шохли ҳайвонларда йирингли артритларни этиопетогентик даволашга доир илмий-тадқиқот ишлари Самарқанд вилояти Ургут тумани “Аъзам Холиқов” фермер хўжалигида сутчилик фермасида ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти кафедрасига келган шахсий касал ҳайвонларда олиб борилди.

Гольштин фриз зотли қорамолларда бармоқ бўғими йирингли яллиғланишларининг самарали даволаш воситаларини топиш, қўлланилган препаратларнинг организмга таъсирини ва шуларнинг иқтисодий самардорлигини ўрганиш мақсадида соғин сигирларда илмий тадқиқот тажрибалари ўтказилди. Тажрибалар учун ҳар бирида 10 бошдан бармоқ бўғинларининг йирингли артритлари билан касалланган соғин сигирлар бўлган 2 та гуруҳ ташкил этилиб, биринчи - назорат гуруҳдаги соғин сигирлар анъанавий усулда қуйидаги тартибда даволанди: умумий қабул қилинган услубда жарроҳлик муолажаси ўтказиш жойи умумий қабул қилинган усулда тайёрланиб, 0,5 фоизли новокаин эритмаси билан оғриқсизлантирилди ва жароҳатланган бўғин кесилиб йирингли экссудат чиқариб ташлангач, 1:200 нисбатли фурацилин эритмаси билан ювилди ва бўғин бўшлиғига 2 % ли новокаин эритмаси ва гентамицин антибиотиғи юборилди, ярага докадан дренаж ўрнатилиб, ош тузининг гипертоник эритмаси ва фурацилин эритмаси билан намланиб турилди ва вена қон томирига 10%.ли кальций хлорид, 20%-ли глюкоза эритмаси, мускул орасига гентамицин ва тривит (А.Д₃.Е) витамини

юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳидаги йирингли артрит билан касалланган сигирлар юқоридаги кўрсатилган тартибда анъанавий усулда даволанди ва анъанавий усулларга қўшимча равишда бўғиндаги патологик жараёндан йиринг ажралиши тўхтагандан кейин неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига ва 2 мл хондролон бўғин ичига жами 4 марта инъекция қилинди.

Иккала гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқоннинг таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги сигирлар тажрибаларнинг бошида ва аутоқон юборилгандан кейин 5 – 10 – 15 -20— 25 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфо – биокимёвий кўрсаткичлари бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

3.3.1. Клиник кўрсаткичлар.

Клиник кўрсаткичлар анамнез маълумотларни йиғиш ва клиник текширишлар ўтказиш билан ҳайвонларда бармоқ қисми жароҳатланишларининг турлари ва характери аниқланиб, ҳайвонларнингасосан капсуляр флегмона ва йирингли артрит билан касалланганлиги аниқланди. Биринчи гуруҳдаги ҳайвонларнинг олти бошида туёқ юмшоғининг капсуляр флегмонаси ва тўрт бош ҳайвонда йирингли артрит ва иккинчи гуруҳда тўрт бош ҳайвонда капсуляр флегмона ва олти бош ҳайвонда йирингли артрит жараёнлари кечаётганлиги аниқланди.

Биринчи гуруҳдаги тўрт бош ва иккинчи гуруҳдаги икки бош ҳайвонда тушоқ бўғинида, биринчи гуруҳдаги икки бош ва иккинчи гуруҳдаги тўрт бош ҳайвонда туёқ бўғинида капсуляр флегмона аниқланиб, қуйидаги клиник белгилар яъни, капсуляр флегмона билан жароҳатланган бўғин соҳаси шишган, оғрикли бўлиши ва флюктуация кузатилди. Ҳайвонлар оёқларининг жароҳатланган бўғинларини бироз буккан ҳолатда, оёқларнинг учки қисмини босиб туради. Ҳаракатланганда кучли оқсаш кузатилади. Ҳайвонларда

ҳолсизланиш, тана ҳароратининг ўртача 1-2 °C га кўтарилиши, жароҳатланган бўғиннинг қарама-қарши оёқ бўғинига нисбатан катталаниши, тери эластиклигининг йўқолиши, қайд этилди, бўғин капсуласи катталашган, бўғин бўртқилари қийинлик билан пайпасланади, тутқичлари қалинлашган, эластиклиги пасайган, бўғинларнинг пасив ҳаракати чегараланган ва оғриқли. Туёқ юмшоғи флегмонаси ҳам ҳар хил даражадаги оқсаш, яллиғланиш хусусиятли шишлар пайдо бўлиши билан характерланади.

Йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда клиник белгилар умумий ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бўғинлар контурининг катталаниши, бўғин дивертикулаларининг таранглашуви ва пасив ҳаракат пайтида кучли оғриқ сезиш билан характерланди. Пайпасланганда бўғинда флюктуация ва маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши, ҳаракатнинг чегараланиши кузатилади. Ҳайвон жароҳатланган оёқларини ярим буккан ҳолатда, туёқ учларини босиб туради. Жароҳатнинг тешилган жойидан саргич кўкимтир рангли йирингли экссудат оқади. Жарроҳлик муолажаларини ўтказишдан олдин касал ҳайвонлар ҳолсизланган, тана ҳарорати кўтарилган, нафас ва пульс частотаси тезлашган, иштаха пасайган ва овқат ҳазм қилиш аъзоларининг фаолияти пасайган эди.

Жарроҳлик муолажалари ўтказилгач, даволашнинг 3-,5- кунларига келиб, анъанавий усулларга қўшимча равишда неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқон юборилган иккинчи тажриба гуруҳидаги капсуляр флегмона билан касалланган ҳайвонларнинг умумий ҳолати анча яхшиланиши ва тана ҳароратининг меъёрлар чегарасигача пасайиши кўзатилди. Бўғинларнинг шиши пасайган бўлсада, ҳайвонлар жароҳатланган бўғинни ярим буккан ҳолатда тутди. Ҳаракатланганда оқсаш ва оғриқ кузатилади.

Даволашнинг 7-10- кунларига келиб, яллиғланиш реакциясининг секинлашиши, шишларнинг йўқолиши, пасив ҳаракат пайтида эса биров оғриқ сезиш кузатилди, даволашнинг 15-кунига келиб, жароҳатланган бўғин функциясининг ҳамда морфологик тузилишнинг тўлиқ тикланиши қайд этилди. Бу гуруҳдаги тўёқ юмшоғи флегмонаси билан оғриган ҳайвонларда

жаррохлик муолажасидан кейин даволашнинг 5-кунида шишлар, оғрик сезиш ва оқсаш кузатилиб, тана ҳарорати, пульс ва нафас частотасининг физиологик меъёрлар чегарасида бўлиши қайд этилди. Лекин ҳайвонларда ҳаракатланиш пайтида оғрик сезиш, тўёқ юмшоғи соҳасида оғрикли шиш сақланиб қолди.

Даволашнинг 10-кунига келиб, бироз шиш сақланиб қолган бўлсада, оқсаш ва оғриқ сезиш, 15-кунига келиб эса шишлар бўтунлай йуқолди ва бўғинлар функциясининг тўлиқ тикланиши қайд этилди. Шу гуруҳдаги йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда жаррохлик муолажасидан 5 кун кейин тана ҳароратининг физиологик меъёрлар чегарасида бўлиши ва умумий ҳолатнинг яхшиланиши кузатилган бўлсада, бўғин контўрининг катталашуви ва дивертикуласининг таранглашганлиги, ҳаракат пайтида оғрик ва кучсиз оқсаш сақланиб қолди. Даволашнинг 10-кунига келиб, яллиғланиш жараёнининг пасайиши, бўғин капсуласи зўриқишининг, оқсашнинг ва оғрик сезишнинг камайиши қайд этилиб, текширишларнинг 18-кунида ҳайвонларда жароҳатланган бўғин контурининг меъёрдаги анатомик ҳолатда эканлиги пайпасланганда оғриқсиз, ҳамда шишлар йуқолганлиги қайд этилди. Бўғин капсуласи бироз қалинлашган бўлсада, катталиги ва бўғинларнинг ҳаракатида соғлом оёқлардан фарқлар кузатилмади.

Анъанавий усуллар билан даволанган биринчи гуруҳдаги капсуляр флегмона билан касалланган ҳайвонларда жаррохлик муолажасидан беш кун кейин тана ҳароратининг бироз пасайиши, бўғиннинг катталашганлиги ва шишганлиги, пальпация ва пассив ҳаракат вақтида кучли оғриқ сезиш ва оқсаш ҳарактерли бўлди. Даволашнинг 10-кунига келиб, яллиғланиш жараёнининг анча секинлашиши билан бирга, пассив ҳаракат вақтида оғриқ сезиш, оқсаш кузатилди, кузатишларнинг 20-кунига келиб бўғинлар анатомик тузилишининг ва фукциясининг тўлиқ тикланиши қайд этилди.

Ушбў гуруҳдаги туёқ юмшоғи флегмонаси билан касалланган ҳайвонларда жаррохлик муолажасидан кейинги 5-кунида маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши ва гиперемия, бўғинининг катталашиши, пайпасланганда оғрик сезиш ва оқсаш кузатилди.

Даволашнинг 15-кунидан бошлаб оқсаш, гиперемия, шишлар ва пассив ҳаракат вақтида оғриқ сезишнинг анча камайганлиги қайд этилди. Даволашнинг 20-кунига келиб, бу белгиларнинг йуқолиши ва бўғин функциясининг тўлиқ тикланиши кузатилди. Бу гуруҳдаги йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда даволашнинг 20-кунигача бўғинларнинг катталаниши ва шиши, пайпасланганда ҳамда пассив ҳаракат пайтида оғриқ сезиш белгилари сақланиб қолди ва даволашнинг 25-кунига келиб яллиғланиш белгиларининг йуқолиши, жароҳатланган бўғин анатомик тузилиши ҳамда функциясининг меъёрда бўлиши қайд этилди.

Шундай қилиб, қорамолларда бармоқ қисми йирингли яллиғланишларини даволашда ананавий усуллар билан биргаликда неон- гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқонни ва бўғим ичига хондралон қўллаш яхши натижа берди, яъни биринчи гуруҳдаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 20-25- кун давом этган бўлса, неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқон ва бўғим ичига хондралон қўлланилган гуруҳда эса 15-18 кунни ташкил этди.

3.3.2.Морфо-биокимёвий кўрсаткичлари.

Тажрибаларнинг бошида ва кузатишларнинг 5-, 10-, 15-,20- ва 25- кунлари тажриба ва назорат гуруҳидаги ҳайвонлардан олинган қон намуналари морфобиокимёвий кўрсаткичлари буйича текширилиб борилди.

Тажрибаларнинг охирига келиб анъанавий усуллар билан даволанган назорат гуруҳидаги ҳайвонларда тажрибаларнинг бошидаги кўрсаткичларга нисбатан қондаги гемоглабин миқдорининг $86,6 \pm 0,80$ г/л дан $84,6 \pm 1,0$ г/л гача (2,4%) камайиши кузатилган бўлса, тажриба гуруҳида $82,0 \pm 0,80$ г/л дан $115,3 \pm 1,00$ г/л гача (40,6%) кўпайиши қайд этилди. Эритроцитларнинг ва лейкоцитларнинг сони назорат гуруҳида шунга мос равишда 5,1 ва 22,2% га ошган бўлса, неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқон ва бўғим ичига хондралон қўлланилган гуруҳда эса 29,3 ва 19,1% га ортиши қайд

этилди. Лейкоформулада лимфоцитлар фойизининг назорат гуруҳида 30,5% га, тажриба гуруҳида эса 11,8% га ортиши кузатилди. Бу кўрсаткичлар тажриба гуруҳида даволанаётган ҳайвонларда неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқоннинг ва хондралон гемопоезга стимулловчи таъсир этиши ва яллиғланиш жараёнларида кузатиладиган лейкоцитоз ҳамда лимфацитозни йуқотишидан далолат беради.

Тажрибадаги ҳайвонлар қонининг оксил спектри ўрганилганда тажрибаларнинг бошида тажриба ва назорат гуруҳидаги ҳайвонлар қон зардобидаги умумий оксилнинг миқдорида айтарлик фарқлар кузатилмаган бўлсада, тажрибаларнинг охирига келиб, назорат гуруҳида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан умумий оксил миқдорининг $67,0 \pm 0,06$ г/л дан $88,6 \pm 1,00$ г/л га, яъни 32,2% га ортиши, тажриба гуруҳида эса $64,0 \pm 0,03$ г/л дан $75,0 \pm 0,30$ г/л га, яъни 17,1 фоизга ортиши кузатилди. (2-3 жадвал).

Тажрибадаги қорамолларда қоннинг морфологик кўрсаткичлари.

2-жадвал

Гуруҳлар	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткичлар	Тажриба бошида	Тажриба кунлари				
				5	10	15	20	25
I Назорат	Г емоглобин гл %	M±m %	86,6±0,80 100	82,0±0,50 101,7	83,0±0,8 102,9	86,0±0,50 106,6	95,0±1,20 117,8	84,6±1,0 97,6
	Эритроцит млн/мкл	M±m %	4,66±0,20 100	4,56±0,70 97,8	5,03±0,80 107,9	5,20±1,00 111,5	5,70±1,20 112,3	4,90±0,50 105,1
	Лейкоцит млн/мкл	M±m %	7,20 ±0,70 100	6,50±0,02 90,2	7,30±0,05 101,3	7,06±0,30 98,0	7,40±0,80 102,7	8,80±0,50 122,2
	Лимфоцит %	M±m %	53,0±0,07 100	51,3±0,05 96,7	59,0 ± 0,8 111,3	56,6± 1,20 106,7	61,3±1,0 115,6	69,3±0,5 130,5
II Тажриба	Г емоглобин гл %	M±m %	82,0±0,80 100	100,6±1,0 122,6	102,6±1,20 125,1	107,0±1,70 130,4	102,0±0,8 124,3	115,3±1,0 140,6
	Эритроцит млн/мкл	M±m %	4,56±0,06 100	5,90±0,80 129,3	6,23±0,6 136,6	6,90±0,50 151,3	6,63±0,50 145,3	5,90±1,20 129,3
	Лейкоцит млн/мкл	M±m %	4,50±0,5 100	7,16±0,30 159,1	7,63±0,20 169,5	8,0±0,80 177,7	7,7±0,80 171,1	5,36±0,50 119,1
	Лимфоцит %	M±m %	50,6±0,60 100	60,6±0,50 119,7	62,0± 1,20 122,5	66,3±0,8 131,0	58,6±0,05 115,8	56,6±0,50 111,8

Г уруҳлар	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткичлар	Тажриба бошида	Тажриба кунлари				
				5	10	15	20	25
I Назорат	Умумий оксил, г/л	M±m %	67,0 ± 0,06 100	67,3 ± 1,20 92,9	77,0 ± 0,08 100	73,0 ± 0,50 108,9	77,6 ± 0,90 115,8	88,6 ± 1,00 132,2
	Альбуминлар	M±m %	35,7 ± 1,00 100	32,1 ± 0,08 89,9	32,2 ± 0,09 90,1	34,7 ± 1,20 97,2	35,0 ± 0,80 98,0	30,7 ± 0,04 85,9
	Альфа-глобулинлар, %	M±m %	14,9 ± 0,80 100	12,4 ± 1,20 83,2	12,9 ± 1,60 86,5	13,3 ± 1,20 89,2	14,2 ± 0,90 95,3	11,1 ± 0,80 74,4
	Бета-глобулинлар, %	M±m %	14,5 ± 0,80 100	12,5 ± 0,40 125,0	13,0 ± 0,20 89,6	12,8 ± 0,50 88,2	14,5 ± 0,50 100	12,2 ± 0,20 84,5
	Гамма-глобулинлар, %	M±m %	34,8 ± 0,20 100	43,0 ± 0,08 123,5	41,8 ± 0,20 120,1	39,2 ± 0,50 112,6	36,3 ± 0,80 104,3	45,9 ± 0,50 131,9
II Тажриба	Умумий оксил, г/л	M±m %	64,0 ± 0,03 100	76,0 ± 0,03 118,7	80,0 ± 0,05 125,0	82,0 ± 0,08 128,1	78,0 ± 0,06 121,8	75,0 ± 0,30 117,1
	Альбуминлар	M±m %	38,8 ± 0,5 100	36,6 ± 0,5 95,5	35,6 ± 0,03 92,9	39,3 ± 0,04 102,6	40,6 ± 0,50 106	43,0 ± 1,20 110,8
	Альфа-глобулинлар, %	M±m %	14,6 ± 1,20 100	13,6 ± 0,80 93,1	16,3 ± 0,6 111,6	19,0 ± 0,60 130,1	19,8 ± 1,00 134,2	18,8 ± 0,80 128,7
	Бета-глобулинлар, %	M±m %	13,0 ± 0,03 100	12,3 ± 0,06 94,6	11,6 ± 0,80 84,6	10,6 ± 1,30 81,5	9,60 ± 0,80 73,8	9,30 ± 0,60 71,5
	Гамма-глобулинлар, %	M±m %	32,6 ± 0,50 100	30,3 ± 0,60 92,6	31,6 ± 0,80 96,9	38,3 ± 1,00 117,4	38,0 ± 0,50 116,5	38,0 ± 0,30 116,5

Тажрибадаги қорамолларда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари. 3-жадвал

Оқсил спектри аниқланганда назорат гуруҳидаги ҳайвонларда кузатишларнинг охирига келиб, альбуминларнинг ўртача 14,1% га, альфа-глобулинларнинг 25,6%, бета-глобулинларнинг 15,5% га камайиши, гаммаглобулинларнинг эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 31,9% га ортиши билан характерланадиган диспротеинемия қайд этилди. Тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда эса тажрибаларнинг охирига келиб, кузатишларнинг бошидаги кўрсаткичларга нисбатан альбуминларни ўртача 10,8 % га, альфа глобулинларни 28,7 ва гамма-глобулинларни 16,5 % га ортиши қайд этилди. Бу кўрсаткичлар тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда неон-гелий лазер нурлари билан модификацияланган аутоқон ва хондралоннинг организмга ижобий таъсири ҳамда гипопропротеинемия ва диспротеинемияни камайтиришидан далолат беради.

Қоннинг морфобиокимикемий кўрсаткичларини таҳлил қилиш билан шундай хулосага келдикки, қорамолларда йирингли артритларни даволашда неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқон ва бўғим ичига хондралондан фойдаланиш жароҳатнинг битишини тезлаштириши билан биргаликда моддалар алмашинуви жараёнлари, ҳамда организм иммунобиологик хусусиятларининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

IV. Олинган натижаларнинг таҳлили.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни купайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш, бош сонини купайтириш, озиқалардан самарали фойдаланиш, наслчилик ишларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва илғор технологияларни жорий этиш орқали эришиш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2011 йил 21 январда “2010 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: Юртимизда 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” ва 2012 йилни эса “Мустақам оила йили” деб эълон қилганимиздан яхши хабардорсизлар. Биз 2012 йилга

бағишланган мақсадларга эришиш бўйича дастурий чора тадбирларни, шу жумладан, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти эркинликларини ишончли муҳофаза қилиш, кичик бизнес мухитини яратиш, шу асосда аҳоли бандлигини ва фаровонлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз» - деб таъкидлади.

К.И.Шакалов (1981 йил) маълумотларига кўра ҳайвонларнинг хирургик касалликлари барча юқумсиз касалликларнинг 40 фоиздан кўпроғини ташкил этиб, маҳсулдорликнинг кескин камайиши, даволаш учун сарф-харажатлар, ҳайвонларни ишлатишга яроқсиз бўлиб қолиши, баъзан чиқим бўлиши ҳисобига чорвачилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар етказмоқда.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида хирургик касалликларнинг кенг тарқалишини хўжаликларда профилактик тадбирларнинг талаблар даражасида олиб борилмаслиги, доимий равишдаги мационнинг бўлмаслиги, туёқларни ўз вақтида тозалаб, кесиб турмаслик, ҳайвонларни сақлаш ва озиқлантиришдаги етишмовчиликлар билан изоҳлаш мумкин. Бу патологияда иқтисодий зарар сут ва гўшт маҳсулдорлигининг пасайиши ҳамда ҳайвонларнинг барвақт яроқсиз бўлиб қолишидан иборат бўлади. (Farmer Weekly, 1983).

I.L.Hollander, (1966) томонидан бўғин касалликларининг этиологияси потегенези, патоморфологияси, даволаш ва профилактикаси ўрганилган бўлсада, бу патология тўлиғича урганилмасдан қолмоқда. Олимларнинг (Г.Шоль, 1967; А.В.Емельянов, 1973; Е.П.Вашекин 1975) таъкидлашича бўғинлар патологиясининг келиб чиқишига озиқлантиришдаги етишмовчиликлар ва унинг оқибатида моддалар, асосан минерал моддалар алмашинуви бўзилишлари сабаб бўлади. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, диссертация ишини бажаришда йирик шохли ҳайвонларда бўғинларнинг йирингли яллиғланишларининг кечиш хусусиятларини ўрганиш, диагностика қилиш, даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Дастлаб, йирик шохли ҳайвонларда бармоқ бўғинлари йирингли яллиғланишларининг этиопатогенезини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар

ўтказилиб, ҳайвонларни сақлаш шароитлари, рационлар таркиби ва тўйимлилиги бўйича таҳлил қилинди, ҳамда йирингли артритларнинг этиопатогенезидаги ўзига хос хусусиятлар ўрганилди.

Қорамолларда бармоқ бўғинларининг жароҳатланиш даражасини аниқлаш мақсадида “Келажак” чорвачилик фермер хўжалигида 114 та ҳайвонлар текширилганда уларнинг 14 бошида (12,3 %) турли йирингли бўғим касалликлари борлиги аниқланди .

Касалланган ҳайвонларнинг кўпчилигида патологик жараён асосан оёқнинг дистал қисмида туёқ, тушоқ, билагузук ва товон бўғинида йирингли синовит, йирингли артрит ва бўғин флегмонаси шаклида кечаётганлиги намоён бўлди. Бунда 10 та ҳайвонда йирингли синовит ва бу умумий бўғин патологиясининг 71,4 % ни, 2 бош ҳайвонда (14,3 %) ҳайвонда йирингли артрит ва йирингли флегмона билан касалланган 2 бош (14,3 %) ҳайвон аниқланди.

Тайлоқ туманидаги “Жума бозор” хўжалигидан 196 бош ҳайвон клиник текширилганда уларнинг 6 бошида (3 %) бўғиннинг йирингли жараёнлари кечаётганлиги ва ундан 4 бош (66,7 %) ҳайвонда йирингли синовит, 1 бошида (16,6 %) йирингли артрит ва 1 бошида бўғин флегмонаси мавжудлиги қайд этилди. “Парвина” хўжалигидан 116 ҳайвон текширилганда, ундан 3 бош (2,6 %) ҳайвонда бўғиннинг йирингли яллиғланиши кузатилиб, бунда 2 бош (66,7 %) ҳайвонда йирингли синовит ва 1 бош (33,3 %) ҳайвонда эса йирингли артрит аниқланди. Шунга ўхшаш текширишлар Иштихон тумани “Меҳнат роҳат” МХОП да 120 та бўрдоқига боқиладиган буқачаларда 2 бош (3,6 %) йирингли артрит жараёни кечаётганлиги кузатилди.

